Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | 23 январь 1972 йил, якшанба | № 19 (15.190). | Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТ области. Юқори Чирчиқ районида насос станцияси қурилиб фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида ўзлаштирилган 350 гектар ерни сув билан таъминлаш имконияти туғилди.
Суратда: станция ички қисмининг кўриниши
А. ЖИЯНАЛИЕВ фотоси.

УЛКАН ОДИМЛАР

1971 ЙИЛДА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари КПСС ХXIV съездининг қарорларини амалга ошира бориб, тўққизинчи беш йиллик биринчи йили планини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар ва 1971 йилда янгидан-янги меҳнат зафарларига эришдилар. **Йиллик планнинг асосий топшириқлари бажарилди, бир қанча кўрсаткичлар бўйича эса план муддатидан илгари адо этилди.**

Истеъмол ва жамғариш учун фойдаланилган миллий даромад салкам 6 процент кўпайди. Бу ўсишнинг бешдан тўрт қисмидан кўпроғига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди. Халқ фаровонлигини юксалтириш юзасидан 1971 йилга мўлжалланган тадбирлар амалга оширилди.

Қуйида ўтган йилги халқ хўжалиги ривожланишининг асосий кўрсаткичлари келтирилади.

	1971 йилда 1970 йилдагига нисбатан процент ҳисобида
Истеъмол ва жамғариш учун фойдаланилган миллий даромад	106
Саноат маҳсулоти	107,8
Шу жумладан:	
ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш («А» группаси)	107,7
Истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш («Б» группаси)	107,9
Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	100
Асосий фондларни ишга тушириш	105
Капитал маблағ сарфлаш	107
Транспорт барча турларининг юк обороти	106,5
Ишчи ва хизматчилар сони	102,8
Меҳнат унумдорлиги:	
саноатда	106,3
Колхоз ва совхозларда	102
Қурилишда	105
Темир йўл транспортида	104,5
Халқ хўжалигидан олинган фойда (таққослаб олинган нархларда)	109,5
Халқ хўжалигида иш ҳақи фонди	106
Ижтимоий истеъмол фондлари	107,4
Ишчи ва хизматчиларнинг пул билан олган ўртача иш ҳақи	103,3
Колхозчиларнинг меҳнат ҳақи	103
Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда олинган реал даромадлар	104,5
Чакана товар обороти	107,0
Аҳолига маиший хизмат қилиш	112
Уй-жойларни фойдаланиш учун топшириш	102
Ташқи савдо обороти	106
Мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сони	102,4
Куни узайтирилган мактаблар ва группалардаги ўқувчилар сони	107,6
Олий ўқув юртларидаги студентлар сони	100,4
Махсус ўрта билим юртларидаги ўқувчилар сони	100,7
Олий ўқув юртларига студентлар қабул қилиш	101,0
Ўрта махсус ўқув юртларига ўқувчилар қабул қилиш	100,8
Ҳунар-техника ўқув юртларига ўқувчилар қабул қилиш	102,2
Касалхоналардаги ўринлар сони	102,5

Қуйидаги маълумотлар халқ хўжалиги тармоқларида йиллик планнинг бажарилишини кўрсатади:

I. САНОАТ

Маҳсулотни реализация қилиш ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш йиллик плани ошириб бажарилди. Планда маҳсулот ишлаб чиқаришни 6,9 процент кўпайтириш кўзда тутилган эди, амалда эса 7,8 процент ортди.

Кўмир, газ қазиб чиқариш, электр энергия, пластик массалар ва синтетик смолалар, автомобиль покришкаси, автомашина, приборлар, автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси воситалари, цемент, қоғоз, гўшт, қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти ишлаб чиқариш, маданий-маиший товарлар ва рўзғор ашёлари ҳамда саноат маҳсулотининг бошқа бир қанча турларини ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича йиллик план муддатидан илгари бажарилди.

1971 йил планини муваффақиятли бажариш юзасидан социалистик мажбуриятлар олган корхоналар пландан ташқари салкам 8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар ва реализация қилдилар.

Саноатдаги айрим тармоқларининг маҳсулоти 1970 йилдагига нисбатан қуйидаги миқдорларда кўпайди:

Электроэнергетика	8 процент
Ёқилғи саноати	6 »
Қора ва рангли металлургия	6 »
Химия ва нефть химияси саноати	11 »
Машинасозлик ва металл ишлаш	11 »
Ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза қоғоз саноати	6 »
Бинокорлик материаллари саноати	8 »
Енгил саноат	7 »
Озиқ-овқат саноати	5 »
Маданий-маиший ва рўзғор учун керакли товарлар ишлаб чиқариш	11 »

Барча умуминтифоқ ва иттифоқ-республика саноат министрликлари ҳамда барча иттифоқчи республикалар йиллик планни ошириб бажардилар.

Айрим министрликлар бўйича йил якунлари қуйидагича:

Умуминтифоқ ва иттифоқ-республика министрликлари ҳамда идоралари	Йиллик планнинг бажарилиш процента	Маҳсулотни реализация қилиш	1971 йилда 1970 йилдагига нисбатан процент ҳисобида: Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	Меҳнат унумдорлиги бўйича
Энергетика ва электрлаштириш министрлиги	102	109	107	
Нефть саноати министрлиги	101	107	107	
Нефтни қайта ишлаш ва нефт химияси саноати министрлиги	102	108	107	
Газ саноати министрлиги	101	111	106	
Кўмир саноати министрлиги	103	104	107	
Қора металлургия саноати министрлиги	101	105	106	
Рангли металлургия саноати министрлиги	101	106	107	
Химия саноати министрлиги	101	111	108	
Оғир, энергетика ва транспорт машинасозлиги министрлиги	100,5	107	106	
Электротехника саноати министрлиги	102	108	107	
Химия ва нефть машинасозлиги министрлиги	101	110	109	
Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги	100,7	110	107	
Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министрлиги	104	120	115	
Автомобиль саноати министрлиги	103	116	111	
Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги	102	109	107	
Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик министрлиги	102	110	108	
Енгил саноат, озиқ-овқат саноати машинасозлиги ва рўзғор асбоблари министрлиги	101	109	107	
Ўрмон ва ёғочсозлик саноати министрлиги	101	104	105	
Целлюлоза-қоғоз саноати министрлиги	101	106	106	
Бинокорлик материаллари саноати министрлиги	102	108	107	
Енгил саноат министрлиги	101	107	107	
Озиқ-овқат саноати министрлиги	102	103	103	
Гўшт ва сут саноати министрлиги	104	109	108	
Балиқ хўжалиги министрлиги	100,8	100,6	100,2	
Тайёрлаш министрлиги	107	108	107	
Медицина саноати министрлиги	102	112	110	
Микробиология саноати бош бошқармаси	101	110	106	

Қуйида Иттифоқдош республикаларга (иттифоқ қарамоғидаги саноат ҳам шу ҳисобга киради) доир маълумотлар келтирилади:

	Йиллик планнинг бажарилиш процента	Маҳсулотни реализация қилиш	1971 йилда 1970 йилдагига нисбатан процент ҳисобида: Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	Меҳнат унумдорлиги бўйича
РСФСР	102	108	107	
Украина ССР	102	107	105	
Белоруссия ССР	103	112	108	
Ўзбекистон ССР	104	112	108	
Қозоғистон ССР	102	108	106	
Грузия ССР	103	105	104	
Озарбайжон ССР	103	106	106	
Литва ССР	103	109	106	
Молдавия ССР	104	114	109	
Латвия ССР	103	108	108	
Қирғизистон ССР	103	112	109	
Тожикистон ССР	105	110	108	
Арманистон ССР	102	109	106	
Туркманистон ССР	103	111	109	
Эстония ССР	103	108	108	

Қуйидаги маълумотлар умуман мамлакатда маҳсулотнинг энг муҳим турлари қанча ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади:

	1971 йилда ишлаб чиқарилгани	1971 йилда 1970 йилдагига нисбатан процент ҳисобида
Электр энергияси—миллиард киловатт соат	800	108
Нефть—миллион тонна	372	107
Газ—миллиард кубометр	212	107
Кўмир—миллион тонна	641	103
шу жумладан коксланувчи кўмир	169	103
Чўян—миллион тонна	89,3	104
Пўлат—миллион тонна	121	104
Прокат—жами миллион тонна	95,8	104
шу жумладан тайёр прокат	84,0	104
Пўлат қувурлар:		
миллион метр	1999	104
миллион тонна	13,4	107
Темир руда—миллион тонна	203	104
Минерал ўғитлар — миллион тонна:		
шартли бирликларда	61,4	111
таркибидаги озиқлантирувчи моддаларни 100 процентга айлантириб ҳисоблаганда	14,7	112
Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари—минг тонна:		
шартли бирликларда	275	95
дастлабки таъсир кучини 100 процентга айлантириб ҳисоблаганда	156	95
Кальций содаси—минг тонна	3820	104
Каустик сода—минг тонна	2028	105
Олтингугурт кислотаси—минг тонна	12775	106
Пластик масса ва синтетик смола-минг тонна	1862	111
Химиявий тола—минг тонна	676	109
Автомобиль покришкалари—миллион дона	36,2	105
Турбиналар—миллион киловатт	16,8	104
Турбина генераторлари—миллион киловатт	13,4	126
Ўзгарувчи ток электр двигателлари-миллион киловатт	38,6	106
Металл қирқувчи станоклар-минг дона	205	102
миллион сўмлик	1053	108
Металл қирқувчи станокларнинг умумий сонидан—рақамли программа билан бошқарув станоклари дона	2539	151
Темирчилик—пресс машиналари:		
минг дона	42,3	102
миллион сўмлик	273	111
Автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси приборлари, воситалари—миллион сўмлик	3487	117
Металлургия ускуналари—минг дона	323	108
Кўмир ғозалаш комбайнлари—дона	1217	108
Кўмир қазиш комбайнлари—дона	360	110
Кўмир шахталарида ғозалаш ишлари учун керакли комплекслар ва механизациялаштирилган креплар—комплект	314	109
Нефть аппаратлари—минг тонна	137	108
Химия ускуналари ва уларнинг запас қисмлари—миллион сўмлик	527	114
Тўқимачилик саноати учун технология ускуналари ва уларнинг запас қисмлари—миллион сўмлик	356	107
Озиқ-овқат саноати, гўшт—сут ва балиқ саноати технология ускуналари ва уларнинг запас қисмлари—миллион сўмлик	346	104
Магистраль тепловозлар:		
секциялар	1485	100
минг от кучли	3803	100,2
Магистраль электровозлар:		
дона	341	106
минг от кучли	2571	106
Магистраль юк вагонлари—минг дона	63,7	109
Автомобиллар—минг дона	1142,7	125
Шу жумладан:		
юк автомобиллари	564,3	108
енгил автомобиллар	529,0	154
автобуслар	49,4	104
Автомобилларнинг запас қисмлари—миллион сўмлик	936	107
Тракторлар—минг дона	472	103
Тракторларнинг запас қисмлари—миллион сўмлик	816	103
Трактор прицеплари—минг дона	339	115
Қишлоқ хўжалик машиналари-жами—миллион сўмлик	2333	110
Қишлоқ хўжалик машиналарининг запас қисмлари—миллион сўмлик	253	101
Дон ўриб оладиган комбайнлар—минг дона	102	103
Пахтачилик машиналари—минг дона:		
физик бирликда	6,7	113
икки қаторлаб ҳисоблаганда	10,4	100
Экскаваторлар—минг дона	33,2	107
Бульдозерлар—минг дона	37,8	113
Иморатбоп ёғоч (колхозлар тайёрлаганидан ташқари)—миллион кубометр	288	100,2
Целлюлоза—миллион тонна	5,4	106
Қоғоз—миллион тонна	4,4	105
Картон—миллион тонна	2,7	106
Цемент—миллион тонна	100,3	105
Ингма темир-бетон—миллион кубометр	90	106
Иморатбоп ғишт—миллиард дона	44	102
Шифер—миллиард шартли тахта	6,2	106
Тунука—миллион квадрат метр	1336	102
Дераза ойнаси—миллион квадрат метр	237	102
Газлама—миллион квадрат метр:		
ип-газлама	6397	104
жун газлама	675	105
зиғир толасидан тўқилган газлама	760	108
шойи газлама	1190	104
Кийим-кечак—миллиард сўмлик	17	106
Ички кийимлик трикотаж—миллион дона	831	101
Устки трикотаж—миллион дона	444	107
Чарм пойафзал—миллион жуфт	679	100,5
Гўшт—жами—миллион тонна	13,1	105
шу жумладан саноатда ишлангани	8,2	115
Колбаса маҳсулотлари—миллион тонна	2,4	106
Озиқ-овқат балиқ маҳсулоти—миллиард сўмлик	2,2	95
Мол ёғи—минг тонна	1022	106
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти—сутга айлантириб ҳисоблаганда—миллион тонна	20	100
Жирли пишлоқ ва бринза—минг тонна	466	97
Қанд-Шакар—миллион тонна	9,0	88
Ўсимлик мойи—миллион тонна	2,9	106
Кондитер маҳсулотлари—миллион тонна	2,9	99,7
Чой (сортли)—минг тонна	103	110
Консерва—миллиард банка	11,3	105
Омухта ем-миллион тонна	26	112
Синтетик ювувчи воситалар—минг тонна	494	105
Соат—миллион дона	42,1	105
Чинни идишлар—миллион дона	652	111
Радиоприёмник ва радиола—миллион дона	8,8	113
Телевизор—миллион дона	5,8	87
Холодильник—миллион дона	4,6	110
Кир ювиш машиналари—миллион дона	4,1	77
Мотоцикл ва мотороллерлар—минг дона	872	105
Велосипед ва мотовелосипедлар — миллион дона	4,5	102
Мебель—миллиард сўмлик	3,1	109

Ўтган йилдагига нисбатан электр энергияси 59 миллиард киловатт-соат, нефть 23 миллион тонна, газ 14 миллиард кубометр, кўмир 17 миллион тонна, чўян 3,3 миллион тонна, пўлат 4,8 миллион тонна, қора металлар прокати 3,3 миллион тонна, пўлат қувурлар 82 миллион метр, минерал ўғит 6 миллион тонна, пластик масса ва синтетик смола 190 минг тонна, химиявий тола 53 минг тонна, металл қирқувчи станоклар 79 миллион сўмлик, темирчилик—пресс машиналари 27 миллион сўмлик, автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси ускуналари, воситалари 517 миллион сўмлик, химиявий ускуналар 63 миллион сўмлик, юк вагонлари 5,4 минг дона, юк автомобиллари ва автобуслар 42 минг дона, енгил автомобиллар 185 минг дона, қишлоқ хўжалик машиналари 220 миллион сўмлик, целлюлоза 302 минг тонна, қоғоз 221 минг тонна, цемент 5,1 миллион тонна **кўпроқ ишлаб чиқарилди.** Рангли ва нодир металлар, нефть химияси маҳсулотлари, нефтни қайта ишлаш ва маҳсулотнинг бошқа кўпгина турларини ишлаб чиқариш ортди.

1970 йилдагига нисбатан халқ истеъмоли товарлари—газламаларнинг ҳамма турлари 390 миллион квадрат метр, кийим-кечак қариб 1 миллиард сўмлик, ички ва устки трикотаж 38 миллион дона, мол ёғи 59 минг тонна, ўсимлик мойи 163 минг тонна, консерва 587 миллион банка, синтетик ювиш воситалари 24 минг тонна, чинни идишлар 66 миллион дона, радиоприёмник ва радиола 979 минг дона, холодильник 417 минг дона, мебель 257 миллион сўмлик **кўпроқ ишлаб чиқарилди.**

Корхоналар ишининг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланди. Электр станцияларида ёқилғи сарфлаш салмоғи 2 процент камайди, қора металлургияда домна печларининг фойдали ҳажмидан фойдаланиш 0,8 процент яхшиланди; цемент саноатида айланувчи печларнинг соатлик иш унуми 4 процент ва тегирмонларнинг соатлик иш унуми 3 процент ортди. Кўмир шахталарида саралаш забойларида кўмир қазиб чиқаришнинг суткалик ўртача миқдори 7 процент кўпайди. Ип-газлама, зиғир толаси, жун ва шойи саноати корхоналарида йигирув ва тўқув машина-ускуналарининг иш унуми ўсди.

Планда саноатда меҳнат унумдорлигини 5,9 процент кўпайтириш кўзда тутилган эди, **амалда эса меҳнат унумдорлиги 6,3 процент ортди.**

Фойда олиш плани бажарилди. Маҳсулот таннархининг камайтирилиши ва олинган фойданинг кўпайиши натижасида саноатдаги ички жамғарма ортди.

Энг муҳим фойдали қазилмаларнинг текшириб кўрилган запаслари ортди. Саноат умуман йиллик планни бажаргани ҳолда корхоналарнинг бир қисми ишлаб чиқариш планларини бажармади. Каустик сода, олтингугурт кислотаси, нефть аппаратлари, иморатбоп ёғоч тахта, иморатбоп ғишт ишлаб чиқариш, газлама, кийим-кечак, ички трикотаж, чарм пойафзалнинг айрим турларини ва маҳсулотнинг бошқа баъзи турларини ишлаб чиқариш юзасидан берилган топшириқлар бажарилмай қолди; зарур ассортиментдаги, яхши сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамма жойда ҳам таъминланмоқда, деб бўлмайди. Кўпгина саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаётир. Янгидан ишга туширилган бир қанча объектларда маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулотнинг таннархи ва меҳнат унумдорлиги юзасидан лойиҳада белгиланган даража суст ўзлаштирилмоқда.

* * *

Илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик ташкилотлари ва саноат корхоналари **фан ва техникани** ривожлантиришнинг энг муҳим проблемалари юзасидан илмий тадқиқот, лойиҳалаш-конструкторлик ва технологик ишларни амалга оширишди. Янги машиналар, ускуналар, аппаратлар ва приборларнинг 4 мингдан ортиқ нусхаси ишлаб чиқилди ва тайёрланди. Ҳозирги замон техника талабларига жавоб берадиган буюмларнинг 3 мингга яқин янги турлари ўзлаштирилди, уларни кўплаб ишлаб чиқаришга киритишлди; эскириб қолган бир мингдан ортиқ хилдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш тўхтатилди.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида прогрессив технология, яъни унумли ишлайдиган мукаммал машина ва механизмлар ҳамда ҳисоблаш техникаси жорий қилинди, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш чоралари амалга оширилди. Саноат корхоналарида бир йил ичида механизациялаштирилган 9 мингга яқин поток линия ва 1,5 мингдан ортиқ автомат линиялар ўрнатилди, 4 мингга яқин участка, цех, ишлаб чиқариш комплекс механизация ва автоматлаштириш усулига кўчирилди.

Бир қанча министрликлар ва идораларнинг корхоналари фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш юзасидан берилган топшириқларни тўла-тўкис бажармадилар.

3,6 миллионга яқин ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари халқ хўжалигига **жорий қилинди. Бунинг натижасида бир йилга ҳисоблаганда 3 миллиард сўмдан ортиқ** маблағ тежалади.

II. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

1971 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотининг умумий ҳажми салкам 87 миллиард сўмлик бўлди. Бу — аввалги беш йилликдаги ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик даражасидан 8 процент ортиқдир ва кўп ҳосил олинган 1970 йилги даражага тўғри келади. Шу билан бирга чорвачилик маҳсулоти қариб 3 процент ўсди, мамлакатнинг бир қанча районларида об-ҳаво шароити ноқулай келганлиги сабабли деҳқончилик маҳсулоти 1970 йилдагига нисбатан анча камайди.

Ўтган йили 181 миллион тонна **ялпи дон ҳосили олинди.** 1,4 миллион тонна, яъни 1970 йилдагига нисбатан 11 процент кўпроқ ва ўтган беш йилликдаги ўртача миқдордан 41 процент кўпроқ шоли етиштирилди.

Мамлакат пахтакорлари катта муваффақиятларга эришиб, **7 миллион тоннадан ортиқ пахта теріб олдилар.** Қандлавлаги ялпи ҳосили 72,1 миллион тонна, кунгабоқар ҳосили 5,7 миллион тонна, картошка 92,3 миллион тонна, сабзавот 20 миллион тонна бўлди.

Колхоз ва совхозлар келгуси йилда ҳосил етиштириш учун 3 миллион гектар ортиқ ерни анча барвақт шудгорлаб қўйдилар.

Чорвачилик янада ривожланди.

Махсулдор чорва мол туёғи рўйхат маълумотларига қараганда, қуйидагича кўпайди (миллион бош):

	1971 йил 1 январга қадар	1972 йил 1 январга қадар	1972 йилда 1971 йилдагига нисбатан процент ҳисобида
Хўжаликларнинг барча категориялари			
Қорамол	99,2	102,4	103
шу жумладан сигирлар	41,0	41,3	100,6
чўчқалар	67,5	71,4	106
қўй ва эчкилар	143,4	145,4	101
Колхоз, совхозлар ва давлатга қарашли бошқа хўжаликлар			
Қорамол	74,3	77,5	104
шу жумладан сигирлар	25,5	26,2	103
чўчқалар	50,9	55,6	109
қўй ва эчкилар	110,2	112,7	102

Бутун мамлакатда **чорвачилик маҳсулотлари етиштириш** умуман қуйидаги миқдорда ортди:

	1970 йил	1971 йил	1971 йилда 1970 йилдагига нисбатан процент ҳисобида
Гўшт (сўйилган вазнда) миллион тонна	12,3	13,1	107
Сут — миллион тонна	83,0	83,3	100,4
Тухум — миллиард дона	40,7	44,9	110
Жун — минг тонна	419	424	101

Чорвачилик маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилиш хўжаликларнинг барча категориялари бўйича қуйидагича бўлди:

	1970 йил	1971 йил	1971 йилда 1970 йилдагига нисбатан процент ҳисобида
Чорва ва парранда — миллион тонна тирик вазнда	12,6	14,1	112
Сўйилган вазнга айлантириб ҳисоблаганда	8,1	9,2	114
Сут — миллион тонна	45,7	47,1	103
Тухум — миллиард дона	18,1	21,6	119

(Давоми иккинчи бетда).

УЛКАН ОДИМЛАР

(Боши биринчи бетда).

Чорва мол ва паррандаларни давлат йўли билан **харид қилиш** юзасидан халқ хўжалик плани ошириб бажарилди. Колхоз ва совхозларда сотиб олинадиган қорамолнинг ўртача вазни ошди. Тухум харид қилиш плани ҳам ошириб бажарилди. Пландан ташқари сут харид қилиш юзасидан берилган топшириқ бажарилмай қолди.

1971 йилда **колхозларнинг ялпи даромади** 22,5 миллиард сўм бўлди.

Совхозларни тўла хўжалик ҳисобига кўчириш давом этди. Ўтган йилнинг охирига келиб 6,1 минг совхоз, ёки барча совхозларнинг 40 процента тўла хўжалик ҳисоби шароитида ишлади.

Ишларнинг бутун комплекси бўйича давлат ва колхозларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун сарфлаган капитал маблағлари 21 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этди ва 1970 йилдагига нисбатан 10 процент кўпайди.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилди. Техника ва минерал ўғитларнинг энг муҳим турларини етказиб бериш йиллик плани бажарилди.

Ўтган йили 312 минг трактор, шу жумладан 126 минг ҳайдов трактори, 143 минг юк автомобили ва ихтисослаштирилган автомобиллар, 99 минг дон комбайни, 10,4 минг лавлаги кавлаш комбайни, 7 минг маккажўхори комбайни, силосбоп экинларни йиғиштириб оладиган 39 минг комбайн ва картошка кавлаб сладиган 9,6 минг комбайн, 6,8 минг пахта териш машинаси, 51 минг қаторли ўрим машинаси, 217 минг трактор плуги, 25 минг лущчильник, 183 минг культиватор, 168 минг сеялка, 149 минг косилка, 52 минг трактор паншахаси, минерал ўғит сочувчи 43 минг машина, органик ўғит сочувчи 58 минг машина, 16 минг гербицид-аммиак машинаси, 13,5 минг ёмғирлатиш машинаси, 17 минг пресс-подборщик, 79 минг универсал юк ортиш машинаси, 58 минг сут совғиш установкаси, дон тозалайдиган 23 минг машина ва бошқа кўпгина машина ҳамда механизмлар етказиб берилди.

Қишлоқ хўжалиги 50 миллион тонна **минерал ўғит** ва 528 минг тонна озуқа фосфатлари олди. Минерал ўғит етказиб бериш ўтган йилдагига нисбатан 4,6 миллион тонна ва озуқа фосфати етиштириб бериш 258 минг тонна кўпайди.

Ўрмон хўжалигида 2,3 миллион гектар майдонда **ўрмон тиклаш ишлари** олиб борилди, шу жумладан 1,3 миллион гектар ерга дарахт уруғи сепилди ва кўчат ўтқазилди. Шу билан бирга колхоз ва совхозларнинг 265 минг гектар майдонида сой соҳиллари, жар, қиялик жойлар, қумликлар ва фойдаланиш учун ноқулай бўлган бошқа ерларга кўчат ўтқазиб, мустаҳкамланди.

III. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Ҳамма турдаги транспортнинг юк обороти 4,1 триллион тонна-километрга етди ва 1970 йилдагига нисбатан 6,5 процент кўпайди. **Пассажир обороти** 583 миллиард пассажир-километрдан иборат бўлди ва 6,2 процент ошди.

Йиллик планнинг қандай бажарилганлигини қуйидаги маълумотлардан билиб олиш мумкин:

	1971 йилда бажарилган	Йиллик план бажарилишнинг процента	1971 йилда 1970 йилдагига нисбатан процент ҳисобида
Юк обороти — миллиард-тонна километр			
Темир йўл транспорти умумий фойдаланишдаги	2634	102	106
дарё транспорти умумий фойдаланишдаги	184	103	106
автомобиль транспорти	69	103	107
нефтепровод транспорти	328	104	117
Юк ташиш — миллион тонна			
Темир йўл транспорти умумий фойдаланишдаги	3032	102	105
дарё транспорти умумий фойдаланишдаги	381	104	106
автомобиль транспорти	4015	102	105
нефтепровод транспорти	352	102	104

Денгиз транспортида ташқи сув йўлларида ва ички сув йўлларида юк ташиш йиллик плани ошириб бажарилди. Денгизда юк обороти ва юк ташиш 1970 йилдагига нисбатан 6 процент ошди.

Ҳаво транспортида пассажир обороти плани ошириб бажарилди ва самолётларда юк ташиш умумий ҳажми плани бироз бажарилмай қолди. 78 миллион пассажир ташилди. Пассажир обороти ўтган йилдагига нисбатан 13 процент, пассажирлар ташиш 9 процент ва авиация билан юк ташиш умумий ҳажми 12 процент кўпайди. Халқ хўжалиги тармоқларида авиациядан фойдаланиш ишлари плани 109 процент адо этилди; бу ишларнинг ҳажми 12 процент кўпайди.

Темир йўл транспортида кўмир, кокс, нефть, ёғоч ва ғалла, темир рудаси ва марганец, рангли металлар рудаси ва қора металлар, цемент, металл конструкциялар, минерал ўғит ташиш йиллик плани тўла ва ошириб бажарилди; флюслар, ўтга чидамли ғишт, саноат хомашёси ва қолиплаш материаллари, майдаланган шлак ташиш плани бажарилмай қолди. Оммавий юклар ташиш кўпайди, пассажир обороти плани бажарилди.

Локомотивлар ва юк вагонларининг ўртача бир кунлик иш унуми юзасидан белгиланган план адо этилди. Юк ташишда банд бўлган ходимларнинг меҳнат унумдорлиги 1970 йилдагига нисбатан ошди ва юк ташишнинг таннархи пасайди.

Шу билан бирга темир йўллар бир қанча жойларда юк ортиш учун вагонларни керакли миқдорда бериб турмадилар; корхоналар ва ташкилотлар келган юкларни темир йўл станцияларидан ўз вақтида ташиб олмаганликлари ва юк ортиш-тушириш вақтида вагонларнинг белгиланган нормадан ортиқча вақт бекор туришига йўл қўйганликлари каби фактлар содир бўлди.

Электровозлар ва тепловозлар хизмат қилиб турган темир йўлларнинг узунлиги йил охирига келиб 111 минг километрга етди. Юк оборотининг 97,3 процентини электровоз ва тепловозлар бажарди.

Дарё транспорти нефть ва нефть маҳсулотлари, флотларда ёғоч тахта ва ўтин ташиш йиллик планини бажарди. Юк ташиш плани умуман бажарилгани ҳолда тошкўмир ва кокс, темир рудаси ва марганец, минерал ва химиявий ўғит, саноат хом ашёси ва қолиплаш материаллари, цемент, туз ташиш плани тўла бажарилмай қолди.

Умумий фойдаланишдаги **автомобиль транспорти** юк ташиш ҳажмини 5 процент, шу жумладан марказлаштирилган тартибда юк ташиш ҳажмини 7 процент оширди. Юк автомобилларининг иш унуми 5 процент ошди. Пассажир обороти плани бажарилди. Шундай бўлса ҳам автомобилларнинг анча қисми бўш қатнамоқда ва ишга чиқарилмаётган автомобиллар сони ҳали ҳам анчагина бор.

Темир йўл транспортида **меҳнат унумдорлиги** 4,5 процент, денгиз флотида 2,8 процент, дарё транспортида 4,2 процент ўсди. Транспорт корхоналари фойда олиш планини бажардилар.

Алоқа корхоналари (почта, телеграф, телефон, радио) маҳсулотининг умумий ҳажми 9 процент кўпайди, лекин йиллик план бироз бажарилмай қолди.

IV. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Халқ хўжалигида умумий қиммати қарийб 82 миллиард сўмлик **асосий фондлар** ишга туширилди ёки 1970 йилдагига нисбатан 5 процент кўпайди.

Маблағ ажратишнинг барча манбалари ҳисобига **капитал маблағлар** 87,7 миллиард сўмдан, шу жумладан давлат капитал маблағлари 75,5 миллиард сўмдан иборат бўлди. Барча капитал маблағлар 1970 йилдагига нисбатан 7 процент кўпайди.

1971 йил учун белгиланган давлат капитал маблағлари плани бажарилди.

Янги корхоналар қуриш, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилиш йўли билан **ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишқай** тариқа олиб борилганлигини қуйидаги маълумотлар кўрсатади:

	1971 йилда ишга туширилган қувватлар
Электростанциялар — миллион киловатт	12,3
Кўмир — миллион тонна	17,4
Чўян — миллион тонна	3,4
Пўлат — миллион тонна	1,9
Қора металлар прокати (тайёр) — миллион тонна	1,9
Пўлат қувурлар — минг тонна	385
Темир рудаси — миллион тонна	21
Минерал ўғит (шартли бирликларда) — миллион тонна	3
Пластик масса ва синтетик смола — минг тонна	179
Химиявий тола — минг тонна	89
Лак ва бўёқлар — минг тонна	148
Автомобиль шиналари — миллион дона	2,2
Автомобиллар — минг дона	503
Турбиналар — минг киловатт	1100
Магистраль юк вагонлари — минг дона	8,0
Металл қирқувчи станоклар — минг дона	6,6
Экскаваторлар — минг дона	1,9
Цемент — миллион тонна	2,8
Қоғоз — минг тонна	115
Целлюлоза — минг тонна	374
Ўрнатилган тўқув станоклари — минг дона	5,2
Чарм пойафзал — миллион жуфт	23,4
Устки ва ички трикотаж — миллион дона	15,5
Чинни-фаянс буюмлар — миллион дона	88,1
Қанд-шакар — бир суткада қайта ишланадиган лавлагининг минг центнери	162
Кондитер маҳсулотлар — минг тонна	93
Гўшт — ҳар смена бараваридаги тонна	623
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти — ҳар смена бараваридаги минг тонна	2,5
Пишлоқ — ҳар сменада сутни қайта ишлаш — тонна	809
Магистрал газ қувурлари ва уларнинг шохобчалари — минг километр	4,8
Умумий фойдаланишдаги янги темир йўллар — километр	460
Электрлаштирилган темир йўллар	1131

Ишлаб турган корхоналарда ишлаб чиқариш қувватлари, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва интенсивлаш, технология жараёнларини яхшилаш, асбоб-ускуналарни янгилаш ва бошқа ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан ҳам кучайтирилди.

1971 йилда янгидан 400 га яқин йирик давлат саноат корхоналари, шунингдек, ишлаб турган корхоналарда кўп миқдорда янги цехлар ва ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

Ўтган йили ишга туширилган энг катта корхоналар ва ишлаб чиқариш объектлари орасида қуйидагилар бор эди:

Электр энергетикада: жаҳонда энг катта Красноярск гидроэлектростанциясида сўнгги икки турбина ишга туширилди ва шунинг натижасида ГЭС лойиҳада белгиланган 6 миллион киловатт қувватга эга бўлди. Грузияда Ингурий ГЭСининг учта шалола станциялари ишга туширилди. Буғ электростанцияларида ҳар бири 300 минг киловатт қувватга эга бўлган 16 та энергетика блоки, шу жумладан Винница областидаги Ладижин ГРЭСида бир йил ичида умумий қуввати 1,5 миллион киловаттдан иборат 5 та энергетика блоки ишга туширилди. Донецк областидаги Славянск ГРЭСида 800 минг киловатт қувватга эга бўлган бир валли энергетика блоки тажриба учун фойдаланишга топширилди. Арманистонда Радзан ГРЭСи, Қозонда ва Киевда янги ТЭЦ ва бошқа электростанциялар ишлай бошлади.

Нефтни қайта ишлаш ва нефть, химия саноатида Балаково резина-техника буюмлари заводи ишга тушди. Ленинград областидаги Қириш нефтни қайта ишлаш заводида ва Херсондаги нефтни қайта ишлаш заводида, Пермь ва Омск рефтни қайта ишлаш комбинатларида, Мингечаур, Лисичанск ва Черкасс резина-техника буюмлари заводида, Кременчук ва Волгоград қурум заводларида ва бошқа корхоналарда янги қувватлар ишга туширилди.

Тошкўмир саноатида Козоғистонда «Богатир» кўмир разрезининг иккинчи навбати (Иртиш № 5-6), Тула областида Шарқий Грезловский разрези, Кировоград областида Светлопольская, Львов областида иккинчи Червоноградская, Днепропетровск областида 29-Гарбий Донбасс шахталари, Ворошиловград областида Молодогвардейская шахтасининг биринчи навбати ва Донецк областида 21-Бис шахталари, Коми АССРда кўмир сараловчи «Северная» фабрикаси ишга туширилди, бир қанча мавжуд шахталар ва разрезларнинг қуввати анча кенгайтирилди.

Қора металлургияда қуйидаги қувватлар ишга туширилди: Ғарбий Сибирь металлургия заводида энг катта домна печи (3 минг куб метр фойдали ҳажмда), кокс батареялари ва агламерацион лента; Қараганда комбинатида домна печи, пилакни майдаловчи установка ва прокат бўйича қўшимча қувватлар. Кривой Рог заводида конвертор, Волгограддаги «Красний Октябрь» заводида кучли электр печлар, Челябинск металлургия заводида «250» сим стани, Қозоғистондаги Соколов-Сарбай темир руда ва Свердлов областидаги Качканар кон саралаш комбинатида темир рудаси ишлаб чиқарувчи қувватлар кўпайтирилди.

Рангли металлургияда Жезқазғон кон-металлургия комбинатида ва Ачинск глинозем комбинатида, Красноярск, Братск ва Иркутск алюминий заводларида, Константиновскдаги «Укрцинк» заводида, Норильскдаги кон-металлургия комбинатида янги қувватлар ишга туширилди.

Химия саноатида Белоруссиядаги Гродно шаҳрида, Ўзбекистондаги Навоий, Тула областидаги Новомосковский ва Ново-Кемерово химия комбинатларида янги корхоналар; Донецк областидаги Константинов, Тамбов областидаги Уваров химия заводларида; Литвадаги Ионов ва Ровендаги азот ўғитлари заводларида, Стерлитамак сода-цемент комбинатида, Қримдаги пигментли титан заводида, Могилевдаги синтетик тола комбинатида ва Сокалскдаги химиявий тола заводида, Лидскдаги лак-бўёқ заводида, Ярославлдаги «Свободний труд» заводида янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

Машинасозликда ҳар йили жами 440 минг автомобиль ишлаб чиқара оладиган Волжск автомобиль заводининг биринчи ва иккинчи навбати ишга туширилди; Рязанда автомобиль агрегатлари заводи, Костромада автоматик линиялар заводи; Хмельницкийда термопласт автоматлар заводи, Сумгаитда компрессорлар заводи, Удмурдистон АССРда Глазовский химия машинасозлиги заводи, Молодечнино ярим ўтказгич вентиллар заводи, Курскда подшипник заводи фойдаланишга топширилди. Мавжуд машинасозлик заводларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш йўли билан уларнинг қувватлари анча кўпайтирилди.

Целлюлоза-қоғоз саноатида Пермь областида Соликамск ва Архангельскда Соломбалск целлюлоза-қоғоз комбинатларида, Қозоғистондаги Қизил Ўрда целлюлоза-картон комбинатида ва Байкал целлюлоза заводида янги қувватлар ишга туширилди.

Бинокорлик материаллари саноатида Каменец-Подольскда технология линиялари, Пермь областининг Горнозаводский ва Кемерово областининг Топкино цемент заводларида, Арманистондаги Раздан кон-химия комбинатининг цемент заводида технология линиялари жорий этилди, Ёқутистон АССРда янги цемент заводи ишга туширилди.

Грузия ССРнинг Гардабанидаги картон-рубероид заводида, Чисичанск ойна заводида, Ворошиловград қўйиш-механика заводида, Брянск областининг Любохон чўян қўйиш заводида, Приморье ўлкасининг Спасск-Дальний санитария-техника арматураси заводида қўшимча қувватлар ишга солинди, йиғма темир-бетон ишлаб чиқарувчи янги корхоналар ишга туширилди.

Енгил саноат, озиқ-овқат ва гўшт-сут саноатининг қувватлари анча кўпайтирилди. Чинни-фаянс буюмлар ишлаб чиқарувчи қувватлари ишга солиш юзасидан йиллик план муддатидан илгари бажарилди. Степанакерт, Биробиджон ва Тамбовда пойафзал фабрикалари, Архангельск, Вологда, Хасавюрт ва бошқа шаҳарларда тикувчилик фабрикалари, Горлов трикотаж газлама фабрикаси, Тула областида Суворов калава фабрикаси, Амур областида Благавешченск пахта йигириш фабрикаси ишга туширилди.

Бошқирдистонда Чишминск, Краснодар ўлкасида Новопокровск, Одесса областида Червонознаменский, Литвада Кедайн ва Қирғизистонда 7-канд заводлари, Улан-Удеда кондитер фабрикаси, Қараганда маргарин заводи, Тамбов, Стерлитамак, Ворошиловград, Полтава, Лудзе ва Кохтла-Ярведа сут заводлари, Қозоғистонда Каменец-Подольск, Шевченково, Литвада Алитус гўшт комбинатлари, Одесса областида Тарутино, Тула областида Ефремов, Новосибирск областида Болотва пишлоқ заводлари, янги нон заводлари, ёғ заводлари, пиво ва вино заводлари ҳамда бошқа корхоналар ишга туширилди.

Қишлоқ хўжалигида давлат ва колхозларнинг маблағлари ҳисобидан 4 миллион бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик бинолари, 5 миллион чўчқа, 6 миллиондан кўпроқ қўй ва 31 миллион парранда учун чорвачилик бинолари фойдаланишга топширилди.

Давлат маблағлари ҳисобидан ҳар йили 5,7 миллион товуқ боқиладиган паррандачилик фабрикалари ва гўшт олиш учун 10,6 миллион жўжа боқиладиган паррандачилик фабрикалари қурилди. Дон сақлаш учун 3,1 миллион тонна дон сақланадиган элеваторлар, тайёрлов пунктларида 1,1 миллион тонна дон сиғадиган ғалла омборлари ва совхозлар ҳамда колхозларда 4 миллион тоннадан кўпроқ дон сақланадиган омборлар, айни бир вақтнинг ўзида 1 миллион тоннадан кўпроқ минерал ўғит, захарли химикатлар ва оҳак материаллар сақланадиган омборлар «Союзсельхозтехника» системаси ташкилотларида ҳар йили 107 мингта шартли ремонт қилишга мўлжалланган ремонт корхоналари ишга туширилди.

1971 йилда саноат негизида чўчқа гўшти, мол гўшти ва сут етиштирувчи йирик давлат, колхоз ва колхозлараро чорвачилик комплекслари қуриш бошланди. Москва областида энг катта «Воронова» комплексининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. 400 минг гектардан кўпроқ янги суғориладиган ерлар ишга солинди, 800 минг гектардан кўп зах ва ботқоқ ерлар қуритилди ҳамда 6,8 миллион гектар яйловга сув чиқарилди, шунингдек, ҳозирда суғорилаётган 300 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. 300 минг гектар майдонда суғориш системалари қайта қурилди ва қуритилиши зарур бўлмаган 1,5 миллион гектар ерда деҳқончилик-техникавий ишлар амалга оширилди.

Қурилиш-монтаж ташкилотларини планлаштириш ҳамда иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига кўчириш ишлари амалга оширилди. 230 та қурилиш-монтаж трести, уйсозлик комбинатлари ва бошқа ташкилотлар янги система асосида ишлай бошлади. Бу ташкилотлар пудрат ишлари умумий ҳажмининг 12 процентдан кўпроғини бажардилар. Қуриб битказилган объектлар ва иш даври бўйича шу қурилиш-монтаж ташкилотлари учун белгиланган иш плани ва фойда олиш плани ошириб бажарилди.

Умуман халқ хўжалиги бўйича **пудрат ишлари** плани 102 процент адо этилди, иш ҳажми 9 процент ошди.

Айрим министрликлар бўйича пудрат ишлари плани қандай бажарилганлигини ва бу ишлар умумий ҳажмининг ўсиш суръатларини қуйидагилардан билиш мумкин:

	Йиллик планнинг бажарилиш процента	1971 йилда 1970 йилдагига нисбатан процент ҳисобида
СССР Оғир индустрия корхоналари қурилиши министрлиги	100,5	107
СССР Саноат қурилиши министрлиги	97	107
СССР Қурилиш министрлиги	99	108
СССР Қишлоқ қурилиши министрлиги	100,1	111
СССР Транспорт қурилиши министрлиги	104	110
СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги	102	107
СССР Мелиорация ва сув хўжалиги ишлари министрлиги	110	108
СССР Газ саноати министрлиги	102	113
СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги	110	108

Колхозлараро қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган иш ҳажми 13 процент ошди.

Қурилиш ишларида **меҳнат унумдорлиги** 5 процент кўпайди, қурилиш-монтаж ишларининг **таннархи** камайди.

Давлат капитал маблағлари сарфлаш плани ва пудрат ишлари плани бажарилгани ҳолда асосий фондларни ишга солиш плани, шунингдек, халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишплани тўла бажарилмади; меҳнат унумдорлиги, фойда олиш ва таннархни камайтириш юзасидан белгиланган топшириқлар бироз бажарилмай қолди. Бир қанча пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотлари пудрат ишлари ҳажми бўйича планни бажармадилар.

V. ХАЛҚ МОДДИЙ ФАРОВОНЛИГИ ВА МАДАНИЙ САВИЯСИНИНГ ОШИШИ

Халқ хўжалигидаги **ишчи ва хизматчиларнинг ўртача йиллик сони** 92,7 миллион кишини ташкил этди ва 1970 йилдагига нисбатан 2,5 миллион киши кўпайди.

Мамлакатда ўтган йили ҳам аввалги йиллардагидек одамлар иш билан тўла таъминланди; айрим тармоқлар ва айрим районларда ишчи кучининг етишмаслиги сезилиб турди.

1971 йилда КПСС XXIV съездининг тўққизинчи беш йиллик ҳақидаги Директиваларида ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини ошириш ва ишчилар, хизматчилар ҳамда колхозчиларни пенсия билан таъминлашни яхшилаш юзасидан кўзда тутилган тадбирлар амалга оширила бошланди.

Темир йўл транспорти ва метрополитенлар ишчилари ҳамда хизматчилари иш ҳақининг минимал миқдори ойига 70 сўмгача кўпайтирилди, айни вақтда ходимларнинг ўртача иш ҳақи оладиган категорияларининг ставка ва окладлари оширилди. Мамлакатнинг бир қанча районларида совхозларнинг ва давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, сув хўжалиги, ўрмон хўжалиги корхоналари ва қишлоқ хўжалик техникаси корхоналари машинист-тракторчиларининг тариф ставкалари кўпайтирилди.

Ишчи ва хизматчиларга қарилиги учун бериладиган пенсияларнинг минимал миқдори кўпайтирилди. Колхозчиларга қарилик учун бериладиган пенсиялардан ташқари инвалидлик ва боқувчисидан маҳрум бўлиб қолганлиги учун бериладиган пенсиялар минимуми ҳам кўпайтирилди. Ишчилар, хизматчилар, уларнинг оилалари учун белгиланган пенсияларни ҳисоблаш шартлари колхозчиларга нисбатан жорий қилинди.

1971 йилда амалга оширилган янги тадбирлар натижасида 19 миллион кишининг иш ҳақи ва пенсияси кўпайтирилди.

Йиллик планда **ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақини** 2,8 процент кўпайтириш кўзда тутилган эди. Амалда эса ишчилар ва хизматчиларнинг пул билан тўланадиган ўртача ойлик иш ҳақи 3,3 процент ортиб, 126 сўмга етди. Иш ҳақи ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган ҳақ ва имтиёзларни қўшиб ҳисоблганда, 1970 йилдаги 164 сўм ўрнига 170 сўмни ташкил этди. **Колхозчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ** 3 процент кўпайди.

Аҳоли ижтимоий истеъмол фондларидан олган **тўлов ва имтиёзлар** 68,6 миллиард сўм бўлди ёки шундан аввалги йилдагига нисбатан 7,4 процент ошди. Ана шу фондлар ҳисобига текин билим олиш, медицина ёрдами, пенсиялар, нафақалар ҳамда социал таъминот ва социал страхованиенинг бошқа турлари, отпуска ҳақи, стипендиялар бериш, санаторийлар ва дам олиш уйларига текин ёки имтиёзли шартлар билан йўлланмалар бериш, болалар боғчалари ва яслиларни таъминлаш ва социал-маданий хизматнинг бошқа формаларини амалга ошириш таъминланди.

Аҳоли жон бошига **реал даромадлар** бир йил ичида 4,5 процент кўпайди.

Аҳолининг омонат кассаларига қўйган пуллари бир йил ичида 6,6 миллиард сўм ортди.

Давлат ва кооператив савдосининг **чакана товар обороти** 164 миллиард сўмга етди ва таққослаб олинган нархларда 7 процент кўпайди. Чакана товар оборотининг йиллик плани бажарилди.

Давлат ва кооператив савдосида **айрим товарларни сотиш ҳажми** қуйидагича ўзгарди:

	1971 йилда сотилгани 1970 йилдагига нисбатан процент ҳисобида
Нон маҳсулотлари	103
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	112
Балиқ ва балиқ маҳсулотлари	99
Мол ёғи	103
Усимлик мойи	102
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти	99,5
Пишлоқ	104
Тухум	122
Қанд-шакар	101
Кондитер маҳсулотлари	104
Чой	106
Картошка	103
Саузавот	109
Мева ва цитрус мева	95
Кийим-кечак, ички кийим ва газлама	105
Трикотаж буюмлар	110
Пайпоқ	108
Чарм пойафзал	103
Чинни-фаянс ва шиша идишлар	118
Синтетик ювиш воситалари	118
Мебель	110
Тикув машиналари	100
Холодильниклар	111
Кир ювиш машиналари	87
Электр пилесослар	118
Соат	101
Фотоаппаратлар	91
Мотоцикл ва мотороллерлар	110
Велосипед ва мотовелосипедлар	101
Радиоприемник ва радиолалар	102
Телевизорлар	111
Енгил автомобиллар	182

Товар обороти анча ўсганлигига қарамай, аҳолининг баъзи молларга, жумладан, балиқ, сельд, саузавотга, жун газламаларнинг баъзи турлари, кийим-кечак, пойафзал ва идишларга бўлган эҳтиёжлари тўла қондирилмай қолди.

Совет Иттифоқи **ташқи савдо** соҳасида чет мамлакатлар билан ташқи савдо алоқаларини кенгайтиришни давом эттирди. Ташқи савдо оборотининг 23,4 миллиард сўмни ташкил этди ва 6 процент кўпайди. Шу билан бирга Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида аъзо бўлган мамлакатлар билан ташқи савдо оборотининг 7 процент кўпайди ва 13,1 миллиард сўмни ташкил этди.

Мамлакат экономикасининг муваффақиятли суратда ривожланганлиги, чакана товар обороти ва аҳолига кўрсатиладиган хизматнинг ўсганлиги **пул муомаласининг барқарор бўлишини таъминлади.**

Давлат, колхозлар ва аҳолининг маблағлари ҳисобига, **дастлабки маълумотларга қараганда, 2 миллион 300 мингга яқин янги квартиралар ва жами 108 миллион квадрат метр ҳажмида якка тартибда қурилган уйлар ёки 1970 йилда фойдаланиш учун топширилган уй-жойларга нисбатан икки миллион квадрат метрдан ортиқ ҳажмдаги уй-жойлар фойдаланишга топширилди.** Ўтган йили 3 миллион оиланинг уй-жой шароити, ёки 11,4 миллион совет гражданининг уй-жой шароити яхшиланди. Мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқларида 1,6 миллион ўринли янги умумтаълим мактаблари, 470 минг ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари ва кўп миқдорда касалхона ҳамда поликлиникалар ва маданий-маиший хизмат кўрсатадиган бошқа объектлар фойдаланиш учун топширилди. Шу билан бирга, кўпгина иттифоқдош республикалар, министрликлар ва идоралар уй-жой ҳамда маданий-маиший қурилиш планларини оширишмадилар.

Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 1970 йилдагига нисбатан 12 процент, қишлоқ жойларда эса 17 процент ортди. Аммо йиллик план бирмунча бажарилмай қолди. Маиший хизмат корхоналарининг сони ортиб бораётганлигига қарамай, хусусан қишлоқ жойларда улар ҳали етарли эмас. Бу корхоналар аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини ҳозирча тўла равишда қондирмаётир. Айни вақтда кўпгина иттифоқдош республикаларда, шаҳар ва районларда маиший хизмат кўрсатадиган янги корхоналарни ишга тушириш плани бажарилмади.

Шаҳар ва қишлоқларни тоза обод қилиш соҳасида иш олиб борилди. Бир йил ичида 3 миллиондан ортиқ квартира **газ билан таъминланди.**

Халқ маорифи, фан ва маданият тобора ривожланди.

Таълимнинг турли тармоқларига 80 миллионга яқин киши жалб этилди, шу жумладан, 49 миллиондан ортиқ киши умумий таълим мактабларида, 4,6 миллион киши олий ўқув юртларида, 4,4 миллион киши техникумларда ва бошқа ўрта махсус ўқув юртларида, 2,5 миллион киши ҳунар-техника таълими билим юртларида ўқиди.

4,7 миллион киши саккиз йиллик мактабни ва 2,7 миллион киши ўрта умумий таълим мактабларини тамомлаб чиқди. Шу билан бирга кечки (сменали) умумий таълим мактабларида ва ҳунар-техника билим юртларида бир миллионга яқин йигит ва қиз тўлиқ ва тўлиқсиз ўрта маълумот олди.

5,6 миллион бола куни узайтирилган мактаблар ва группаларда шуғулланди.

9,5 миллион бола доимий яслиларда, боғчаларда ва боғяслиларда тарбияланди. Бундан ташқари, мавсумли болалар муассасалари 5 миллиондан ортиқ болага хизмат кўрсатди.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаб чиққан **1,8 миллионга яқин мутахассис,** шу жумладан қарийб 0,7 миллион олий маълумотли ва 1,1 миллион ўрта махсус маълумотли мутахассислар **халқ хўжалигига юборилди;** олий ўқув юртлари ва техникумларни тамомлаб чиққанлар сони шундан аввалги йилдагига нисбатан 90 минг кишидан зиёд, ёки 6 процент ортди.

Олий ўқув юртларига 921 минг киши ва **ўрта махсус ўқув юртларига** қарийб 1 миллион 350 минг киши қабул қилинди.

1971 йилнинг охирига келиб мамлакатимизда **100 миллиондан ортиқ киши олий ва ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз) маълумотга эга эди.**

Ишчилар ва хизматчиларни, шунингдек колхозчиларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишлари кенг кўламда амалга оширилмоқда. **Ҳунар-техника таълими билим юртлари** бир йил ичида 1,7 миллион малакали ёш ишчини тайёрлади ва 1,9 миллион киши ўқишга қабул қилинди, шу жумладан 156 минг киши ҳунар ўргатиш билан бир қаторда ўрта маълумот берадиган билим юртларига қабул қилинди. Бевосита корхона, муассаса ва ташкилотларда, шунингдек колхозларда **якка-якка тартибда, бригада ва курсларда ўқитиш йўли билан** 19 миллионга яқин киши янги касбларни ўрганди ва ўз малакасини оширди.

Йил охирига борib **илмий ходимлар** сони 970 минг киши кўпайди, булардан 270 мингга яқин киши фан доктори ёки фан кандидати деган илмий даражага эгадир.

Киноустановкалар сони 152 мингга, бир йил ичида киносеансларни томоша қилган кишиларнинг сони эса 4,7 миллиардга етди.

Аҳолига медицина хизмати яхшиланди. Бир йил ичида барча ихтисослардаги врачлар сони 30 мингдан зиёд, касалхоналардаги ўринлар сони қарийб 70 минг кўпайди. Санаторийлар, дам олиш уйлари ва пансионатлардаги ўринлар сони 35 минг, туристик базалардаги ўринлар сони 11 минг ортди. Санаторий-курорт муассасаларида, туристик маршрутлар ва базаларда 23 миллион меҳнаткаш ва уларнинг оила аъзолари даволанди ҳамда дам олди. 19 миллиондан ортиқ бола ва ўспирин ёз фаслида пионер ва мактаб лагерларида, болалар санаторийларида, экскурсия-туристик базаларда ҳордиқ чиқарди ёки ёз фаслида болалар муассасалари билан биргаликда шаҳар атрофидаги боғ-роғларга борди. 50 миллионга яқин киши экскурсияларга қатнашди.

Совет Иттифоқи аҳолисининг умумий сони 1972 йил 1 январга қадар 246,3 миллион кишини ташкил этди.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

Г. М. Кржижановский туғилган кунинг 100 йиллиги олдидан

ИЛЬИЧНИНГ САФДОШИ

Глеб Максимилианович Кржижановский Советларнинг Бутунроссия VIII съездида Россияни электрлаштириш плани тўғрисидаги докладининг охирида қилажак ишлари «тоғдек мангу бўлиб қоладиган» келажак бунёдкорлари тўғрисида гапирди. Чироқлари милтиллаб турган совуқ залда айтилган бу сўзлар мўлжаллаб қўйилган режалар бажарилишига қатъий ишончни ифодаловчи сўзлар бўлиб янгради. 1920 йилнинг декабрь ойи эди. ГОЭЛРО плани ҳозирча фақат қоғоздагина мавжуд эди.

Совет Россиясининг «биринчи инженери» бўлиш, Владимир Ильичнинг топшириғига биноан Россияни яқин келгусида электрлаштириш лойиҳасини тузишга раҳбарлик қилиш тақдири Кржижановский зиммасига тасодифий равишда тушгани йўқ. Коммунистик партиянинг энг кекса аъзоларидан бўлган, Петербургдаги «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи»да Лениннинг кенжа сафдоши сифатида революционерликни касб қилиб олишга киришган Кржижановский машаққатли яширин ҳаракат мактабини, чоризм турмалари ва сургунларининг дорилфунунларини ўтиб, камолга етди. Партиянинг дадил жангчиси, талантли инженер бўлган Кржижановский айни вақтда шоир ҳам эди. Ёш Глеб Кржижановскийнинг борган сари эскирмайдиган «Варшавянка», «Қизил байроқ» ашулалари ҳозир ҳам революцион байрамларда янграб туради.

Бундан ярим аср аввал, республикани фалаж қилиб қўйган энг оғир вайронгарчилик йилида ГОЭЛРО режалари—Кржижановскийнинг ўзи ҳам айтганидек, ҳақиқатан «ақл бовар қилмайдиган даражадаги дадил» режалар бўлган эди. Бу — мамлакат қолоқлигини жуда қисқа муддат ичида енгишга азми-қарор қилган партиянинг дадиллиги эди. Лениннинг бу плани, партиянинг энг муҳим, програм ишларидан бири бўлган бу иш олдинга қўйилган нақадар катта қадам бўлганлигини ҳозир аниқ кўриб турибмиз.

Ҳозирги мезон билан ўлчаганда, ўша вақтда қилинган ишлар унчалик катта эмасдек кўринади. Ахир, 10 йил ичида жами қуввати бир ярим миллион киловаттдан сал кўпроқ бўлган 30 тага яқин электр станция қуриш керак эди-да. Аммо ўша вақтда бу революциядан олдинги Россиядаги энергетика даражасидан 10-15 баравар кўпроқ даражага эришишдан ва граждан уруши йилларида ишлаб чиқарилаётган электр энергиядан юз баравар зиёдроқ электр энергия ишлаб чиқаришдан иборат мислсиз катта ишни бажаришга тенг эди. Меҳнат унумдорлигини кўтаришга, саноат ва қишлоқ хўжалигини, транспортни ривожлантиришга,

ёқилғи проблемасини ҳал этишга электр энергетика кўрсатадиган таъсирнинг асосий жиҳатлари ГОЭЛРО планида ўша вақтнинг имконига яраша батафсил кўрсатиб ўтилган эди.

Орадан анча вақт ўтгач, ўз умрининг охирги йилларида Кржижановский, 1954 йилда СССРда 150 миллиард киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқарилди, деб фахрланиб ёзди. Ақлга сиғмайдиган даражада бунчалик тез ўсишини олдиндан шунчалик кўриш Кржижановский сингари камдан-кам одамларгагина насиб бўлди. Кейинги беш йиллик мобайнида бунга тағин ҳам салмоқдор «ҳисса»—1971 йилда 800 миллиард киловатт соатга яқин «қўшимча» қўшилди. Тўққизинчи беш йиллик охирига бориб эса, мамлакатимиз 1000 миллиард киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқарадиган бўлади!

Ҳамиша партия ва давлат топшириқларини бажариш билан ниҳоят даражада банд бўлган Г. М. Кржижановский (у ўн йил Госпланга бошлиқ бўлди, биринчи беш йилликни ишлаб чиқишда қатнашди) публицист сифатида ишлаш учун ҳам вақт ажратишни ўзининг бурчи деб ҳисоблади. У кўпгина мақолалар, бир неча китоб ёзди.

Глеб Максимилианович ўз қалби ва хотирасидан муқаддас жой олган эсдаликларга — Ильич тўғрисидаги эсдаликларга қайта-қайта мурожаат қилди. Унинг «Улуғ Ленин», «Мутафаккир ва революционер» деган китоблари Лениннинг ғоявий меросини зўр эҳтирос билан тарғиб қилувчи, йўлбошчини ўз кўзи билан кўрган кишининг ҳикоясини баён қилувчи асарлардир. Бу китобларда абадий ўрнак бўлиб қолган улуғ инсон тўғрисида ҳикоя қилинади.

Кржижановский бундай деб ёзган эди: «Лениннинг асарларига қайта-қайта мурожаат қилинглар, унинг беқиёс бойлигини ўрганинглар, бу бойликни у ўз асарларида бизга мерос қилиб қолдирган, унинг ҳаётидан ўрнак олинглар, — одамларга бундан ҳам кўра яхшироқ маслаҳат бериб туринглар».

Кекса революционер ана шундай юксак инсон намунасига эргашиб ўзининг бутун ҳаётини партияга, халққа бағишлади.

(ТАСС мухбири).

ФОТООБЪЕКТИВДА ҚҚАССР

АВТОНОМ республика меҳнаткашлари СССР ташкил топган куннинг 50 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун барча ички резервларни ишга сафарбар этаётирлар. Коллективлар ўртасида ўзаро мусобақа кенг қизитилмоқда. Суратларда: 1. Тахиатош гидроузелининг илғор бетончиси У. Мирманова. У берилган топшириқларни икки баравар бажариш билан ҳамманинг ҳурматига сазовар бўлмоқда. 2. Нукус телеграфининг инженери К. Турманова ўзининг ҳалол меҳнати билан катта обрў қозонган. Ёш коммунист Тошкент алоқа институтини сиртдан тамомлади. 3. Нукус районидаги «Нукус»совхозининг илғор сут соғувчиси У. Қурбонниёзова боқимидаги 25 бош соғин сигирнинг ҳар биридан белгиланганидан ортиқ сут соғиб олмоқда.

Р. Саидов фотолари.

Советлар мамлакатида

БЕЛОРУС ШОИРЛАРИГА АТАБ

◆ РЕСПУБЛИКА жамоатчилиги Белоруссия халқ шоирлари Янка Купала билан Якуб Коласлар туғилган куннинг 90 йиллигини кенг нишонлашга катта тайёргарлик ишларини олиб бормоқдалар. Юбилей комитетлари ташкил этилди, унга БССР Министрлар Советн Раисининг ўринбосари Н. Л. Снежкова бошчилик қилмоқда.

Я. Купаланинг ватани Молоденченск районидаги Вязинка қишлоғида шоир адабий музейи филиалининг биноси реставрация қилиниб, унинг экспонатлари янгиланаётир.

Якуб Колас ишлаган БССР Фанлар академиясида мемориал кабинетни қайта тиклаш ниҳоясига етказилади.

«Поэзия куни» йиллик альманахи Янка Купала билан Якуб Колас ижодига бағишланади. Республика нашриётлари махсус китоблар тайёрламоқда.

ҚУРУВЧИЛАР ҲАҚИДА ФИЛЬМ

◆ ХАБАРОВСК. Узоқ Шарқ кино хроникасида тайёрланган янги ҳужжатли фильм ёш Амур шаҳрининг биринчи қурувчиларига бағишланди: «Улар Амурда яшайди» картинаси персонажларидан бири қурувчилар бригадасининг бошлиғи Н. Меньшиковага бағишланади. Бу аёл уй-жой, мактаблар, клубларнинг дастлабки қурилишлари учун пойдевор қўйганлар билан бирга ишлаган. Шаҳар коммунистлари Надежда Сергеевнага катта ишонч билдиришиб, уни КПСС XXIV съездига делегат қилиб сайлашган.

ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ

◆ КАЛУГА областининг Угодско-заводск районида янги сут заводи фойдаланишга топширилди. У Калугада озиқ-овқат саноатининг қишлоқдаги янги қурилишларидан биттасидир. Козельскда қуруқ сут заводи, Боровск ва Бабинда эса қаймоқ-творог заводларини лойиҳалаш тамомланди. Айни бир пайтда эски заводларни реконструкциялаш ишлари олиб борилаётир. Бунинг натижасида беш йиллик мобайнида Москва ва бошқа саноат марказлари аҳолисини сут маҳсулотлари билан қарийб бир ярим баравар кўп таъминлайди.

Шунингдек гўшт, нон-булка, консерва ва пиво корхоналарини янгидан қуриш ва эскиларини реконструкциялаш мўлжалланмоқда. «Красний сад» совхозида меваларни қайта ишлаш бўйича йирик саноат комплексларини қуриш бошлаб юборилди.

ШИФОКОР ЁН ДАФТАРИДАН

„АРЗИМАГАН ДАРД“ ОҚИБАТИ

Аксарият кишиларда касалликнинг зўрайиб кетиши, ҳатто дарднинг хилма-хил қолдиқларга айланиши, натижада ойлаб ва йиллаб хасталик азобини тортиш — шуларнинг ҳаммаси кўпинча одамларнинг бепарволиги туфайли содир бўлади. Шундай касалликлар борки, жумладан грипп билан биргина беморнинг оғриши ва бефарқлиги сабабли юзлаб ва минглаб кишилар оғир касалликка ва унинг қолдиқларига йўлиқишлари мумкин. Шу мисраларни ёзаётганимда беихтиёр грипп билан оғриб, «ҳа, бу ҳам навбатдаги шамоллаш, оёқ учида ўтадиган дард» деб эътибор бермай, касалликни авж олдириб, натижада ҳолдан кетган ва ҳаёти қил устида турган ёки «арзимас грипп» билан бир ҳафтагина оғриб, ёш умрларига завол бўлган беморлар кўз олдимга келади.

Мана, шаҳар шифохоналаридан бири. Йўтал азобидан кўз соққалари қонталашиб кетган, юзлари салқиб, кўз очишга мадори қолмаган, нафас олишига ҳаво етмаётган, гоҳ ҳушидан кетиб, гоҳ алаҳлаётган бемор қаршисидамиз. Касалликнинг еттинчи куни. Беморнинг нафас йўли билан ўпкаси қаттиқ яллиғланган. Шунинг учун ҳам ҳар йўталганда қон тупуради. Юрак мушакларининг ҳолати жуда сустлашган. Қон босими пасайган. Танага кислород етишмайди. Бунинг устига бемор аёл ҳомилали. Аҳволи чиндан ҳам оғир. Касаллик ўтиб кетган. Тезлик билан кўрилган тадбирлар ва хилма-хил дорилар касалликни қайтара олмади. Организм ва унинг ҳаёти учун зарур бўлган органлар фаолияти бетоблик заҳарига бўй бериб қўйган эди. Она қорнидаги саккиз ярим ойлик бола нобуд бўлди. Шундан сўнг онанинг дарди авж олса-олдики, пасаймади. Икки кундан сўнг жувон ҳам оламдан ўтди...

Афсуски, бу келтирилган мисол ягона эмас.

Грипп ҳар ўн-ўн икки йил давомида дунёни икки-уч марта «кезиб», миллионлаб кишиларни оғир дардларга, турли-туман касаллик қолдиқларига дучор қилиб кетяпти. Бу касалликнинг келиб чиқиши, одамлар ўртасида ва давлатлараро тез тарқалиб кетиши қуйидаги сабабларга боғлиқ. Аввало грипп касаллигини вужудга келтирувчи вируслар грипп билан бетоб бўлган кишиларнинг, айрим вақтда ҳатто соғлом кишиларнинг бурун, томоқ, ўпка йўли шиллиқ қаватига ўрнашиб олиб, тезда кўпаяди. Қисқа вақт ичида миллионлаб кўпайган вируслар одамлар гаплашганда, йўталганда, аксирганда ташқи муҳитга чиқиб, соф ҳавони бузади. Шу ҳаво орқали вируслар соғлом кишиларга ўтади. Вируслар бемор фойдаланган идиш-товоқлар, сочиқ-дастрўмоллар, кийим-кечаклар ва болаларнинг ўйинчоқлари орқали ҳам соғлом кишиларга юқиши мумкин.

Гриппнинг бирдан тарқалиб кетиши — энг аввало кишилар организмида шу касалликка қарши табиий қувватнинг камлигидир. Бундан ташқари, касалликни даволаш даврида орттирилган гриппга қарши «куч» кўпи билан икки-уч йилга етади. Шундан кейин грипп билан яна оғриш мумкин.

Грипп касаллигининг ривожланиши — вирусларнинг юқори нафас олиш (бурун, томоқ, ўпка) йўлидаги хужайраларга кириб олиб, кўпайишидан ва вируслардан ажралиб, чиқадиган заҳарли моддаларнинг ёмон таъсиридан келиб чиқади. Фаннинг кўрсатишича, грипп вируслари фақат нафас олиш йўлидаги хужайралардагина ривожланиб қолмай, ҳаттоки қон хужайраларига ҳам ўтиши ва қонда айланиб юриши мумкин. Шундай қилиб, организмга тушган вируслар бир неча соат давомида тезлик билан миллионларча кўпаяди. Вируснинг заҳар моддалари юрак ва мия, ўпка ва бошқа қон томирларига, нерв ва эндокрин безларга шимилади. Натижада хужайраларнинг нормал фаолияти бузилади. Касаллик аломатлари пайдо бўлади, хасталикнинг биринчи дақиқаларидан бошлаб беморда қувват камайиб, баданни увишиб, совуқ қотади. Бўғинларида, бошида оғриқ пайдо бўлади. Сўнгра тана ҳарорати 38-39-40 даражага кўтарилади. Шу даврда бош оғриғи, баданнинг қақшаб оғриши кучаяди. Кўнгил беҳузур бўлади. Бемор ўқтин-ўқтин терлайди, кўзи ёшланади. Кўз соққаларида оғриқ пайдо бўлади, иштаҳа йўқолиб, кўнгил айнайди, қайт қилади. Касалликнинг иккинчи ва учинчи кунларида юқорида айтиб ўтилган белгилар яна ҳам кучайиб, беморнинг аҳволи оғирлашади.

Грипп айниқса ёш болаларда, ёши улғайиб қолган кишиларда, эмизикли ва ҳомиладор аёлларда оғир кечади.

Аммо грипп касаллиги айрим ҳолларда бошқа дардлар каби енгил, ҳаттоки тана ҳарорати нормал даражада туриб, танада куч-қувват камаймасдан ўтиши ҳам мумкин. Шундай бўлса ҳам бемор албатта, кўрпа-тўшак қилиб ётиши ва шифокор маслаҳати билан даволаниши зарур. Акс ҳолда грипп енгил бошланиб, оёқ устида ўтказиш натижасида оғир ҳолга айланиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас.

Грипп бутун асаб ва қон томирларининг модда алмашинишига, қолаверса бутун аъзоларнинг фаолиятига кучли таъсир қилганлиги учун эски дардларни ҳам қўзғайди, бошқа касалликларнинг келиб чиқиши учун замин тайёрлайди. Шу сабабли ҳам грипп билан оғриган кишилар кўп вақтгача дармонсиз бўладилар ва тез-тез бошқа дардларга чалиниб турадилар. Шундай беморлар ҳам борки, уларда гриппдан сўнг кўз нервларида шу қадар асорат қолганки, у кишилар икки-уч соат давомида бирон китоб ёки газета ўқигундек бўлсалар, бошларида ва икки чеккаларида оғриқ туради. Кўнгил айниб, бутун руҳиятлари, асаблари бузилади, ўзларини қўярга жой тополмайдилар. Айрим кишиларда эса юрак ўйноғи тутиб, ичига чироқ ёқса чеҳраси очилмайди...

Ватанимизда грипп касаллигининг олдини олиш учун катта илмий ва амалий тадбирлар кўрилмоқда. Гриппга қарши эмлаш ўтказилади, турли-туман дорилардан фойдаланилади. Шуни айтиш кераккки, гриппнинг олдини олиш фақат шифокорларнинггина иши эмас. Бу бутун жамоатчиликнинг, қолаверса ҳар бир кишининг вазифасидир.

Троллейбус, автобус ва трамвайларнинг охирги тўхтов жойларида эшикларни очиб, ҳавосини янгилаш лозим. Корхоналар, кинотеатрларнинг ҳам ҳавоси ўқтин-ўқтин янгиланиб туриши керак. Ошхона ва кафеларда, буфет ва дўконларда савдо ходимлари оғиз-бурунларига боғич тутиб ишлашлари зарур. Грипп билан оғриган кишини бутунлай тузалиб кетмагунча савдодан четлатиш лозим. Грипп билан бетоб бўлган ва шамоллаган болаларни боғча ва мактабга, кино ёки театрларга мутлоқ юбормай, уйда олиб қолиш ва тезда шифокорларга кўрсатиб, тегишли тадбирларни кўриш ғоятда муҳимдир. Грипп болаларда тез қайталаши мумкин. Шунинг учун бетобликдан эндигина тузалган болаларни шошиб дарров кўча-кўйга чиқармаслик керак. Беморни эса соғлом кишилардан ажратиб қўйиш лозим. Касал киши гаплашганда, йўталганда, аксирганда оғзи-бурнини дастрўмол ёки алоҳида сочиқ билан ёпиши зарур. Беморга қаровчи кишилар эса докадан тикилган тўрт-беш қаватли боғич билан оғиз-бурунларини беркитиб олишлари керак. Уй-жойнинг ҳавосини ҳар куни уч-тўрт мартадан янгилаш, чанг-чунгларни 0,5 процент хлораминли ҳўлланган латта билан артиб туриш — грипп вирусини тезда йўқотишга ёрдам беради. Бемор ишлатган идиш-товоқлар, рўмолча-сочиқлар алоҳида сақланиб ва алоҳида ювилиши ҳамда қайнатилиши зарур. Ҳозирги кунларда энг яқин кишилар ҳам бир-бирлари билан учрашганларида ўпишиб кўришишлари ёки қўл бериб сўрашишлари шарт эмас. Халқ одатига кўра қўлни кўксига қўйиб самимий сўрашиш ҳар жиҳатдан ҳам мақбулдир.

Гриппга дучор бўлган кишиларга маслаҳатимиз шундай: агар бемор уйда даволанса, унга бир киши уч-тўрт кун давомида, демак, касаллик белгилари қайтиб, беморнинг аҳволи дуруст бўлгунча қараб туриши лозим. Беморнинг иситмаси тушгандан сўнг ҳам у икки-уч кун ётиши лозим. Бош оғриғини ва бўғинлардаги оғриқни қолдириш учун анальгин, пирамидон, феноцетин, аспирин ва уйқуни нормал ҳолга келтирувчи дорилар тавсия этилади. Булардан ташқари, беморга шолғом билан тоголча солиниб тайёрланган серқатиқ хўрда ичириш, сут ва ширчой, ширгуруч ва холвайтар, янги ивитилган қатиқ, новвотли янги дамланган чой, наъматак ва туршак сувлари, лимон соки, беҳи ва малинадан тайёрланган мурабболар бериш фойдалидир.

Бемор ётган уйнинг ҳавосини кунда тўрт-беш марта янгилаш керак. Исириқ тутатиш эса бемор учун ҳам, соғлом кишилар учун ҳам наф келтиради. Унинг таъсирида кўп микроблар, шу жумладан грипп вируслари касаллик келтириб чиқариш кучини йўқотади.

Ш. ХУЖАЕВ,
профессор.

КИНОШУНОС ЎЙЛАРИ

КИНОТАНҚИДЧИЛИГИМИЗ ҲАҚИДА

Москвада Кинематографчилар союзи правлениесининг пленуми бўлиб ўтди. Киношунослик ва кинотанқидчиликнинг ҳозирги кундаги аҳволи ва КПСС XXIV съездидан кейинги вазифаларига бағишланган бу пленумда СССР Кинематографчилар союзи правлениесининг танқидчилик ва назария бўйича Бутуниттифоқ Комиссияси аъзоси Ҳамидулла Акбаров қатнашди. Қуйида унинг пленумдан кейинги ўйларини газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

Яқинда Москвада киночилар союзининг навбатдаги пленуми киношунослик ва кинотанқидчилик масалаларини кўриб чиқди. Пленум кун тартибида ана шу масала тургани бежиз эмас. КПСС XXIV съезди бадиий танқидчилик ходимлари олдига катта вазифалар қўйди. Дарҳақиқат, фильмларнинг ғоявий-бадиий савияси ҳақида қайғурадиган, кинонинг барча бадиий компонентлари ҳақида профессионал фикр юрита оладиган, кинематографиямиз анъаналарини атрофлича ўрганиб, юксак партиявий позициядан ёрита оладиган, кино арбобларининг неча йиллар давомидаги изланишларини чуқур идрок этиб, уларнинг тажрибасини умумлаштириб давр талабларига жавоб берадиган тадқиқотлар бита оладиган киношунос экран санъатининг назарияси учунгина эмас, амалиёти учун ҳам хизмат қилади. Пленум қабул қилган резолюцияда киношунослар ва кинотанқидчилар киностудия ҳамда унинг бадиий советининг ишида актив қатнашиши лозимлиги қайд қилинди. Бу ҳолда мунаққид катта ижодий коллективнинг кўп йиллик меҳнати туфайли вужудга келган синтетик санъат асари — фильмни монтажхонасидан чиқиб экран сари йўл олган чоғда таҳлил қилиб, баҳолаб ўтирмай бўлажак киноасарнинг сценарий шакли билан танишади, актёрлар танланишида қатнашади. Ҳали узил-кесил монтаж қилинмаган киноматериалларни кўриб ўз фикрини айтади. Маълумки, фильм экран юзини кўрганидан сўнг уни қайта монтаж қилиб бўлмайди, актерлар ўйинига, оператор ва рассом суратга олган кадрларга бирорта ўзгартиш киритиб бўлмайди. Бир сценарий қанчалик пухта ёзилган бўлмасин, ҳозирча фақат бир марта бир фильмга пойдевор бўлмоқда. Демак, мунаққид қанчадан-қанча меҳнат ва маблағ туфайли пайдо бўладиган асарнинг яратилиши жараёни билан яқиндан таниш бўлиши мақсадга мувофиқ бўларди. Наби Ғаниев 20-йиллардаёқ, ҳали режиссёр бўлиб етишмаган чоғлари, фильмнинг бадиий компонентлари ҳақида суратга олиш майдончасида, актёр танлаш даврида, киноэкспедицияларда фикр юритган. Матбуотда ана шу фикрларини баён қилган. У фильм яратилиши жараёни билан яқин таниш бўлгани сабабли ҳар бир эпизоднинг суратга олиниши ҳақида, актёрнинг ўйини ҳақида ўз фикрини айтиши учун имконият топган. Н. Ғаниевнинг бу йўли ибратлидир.

Киношунослар «Ўзбекфильм» маҳсулоти билан ҳозирча жамоатчилик кўригида танишмоқдалар. Бу даврга келиб эса фильм устида иш одатда тўхтатилган бўлади. Демак, бу кўрикда мунаққид айтган фикр фильмнинг савиясига заррача ҳам таъсир кўрсатмайди. Ҳар бир янги асар жамоатчилик кўригидан ўтиши, жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши керак, албатта. Лекин бевосита кино масалалари билан шуғулланувчи, фильмнинг бадиий компонентлари ҳақида фикр юритувчи ва, ниҳоят, ҳар бир киноасарнинг ғоявий ва эстетик савияси ҳақида ҳамиша қайғурувчи профессионал мунаққид синтетик санъат асари билан барвақт танишса фойдадан холи бўлмасди.

Янги фильм экранга ҳам чиқди, дейлик. Уларнинг айримларигина профессионал таҳлил қилинмоқда. Бу ўринда биз яна тарихга мурожаат қилайлик. Абдулла Қодирий «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1927 йил 28 апрель сонида эълон қилган тақризида «Ровот қашқирлари» фильмини мукаммал таҳлил қилиш билан бирга ёш ўзбек киносининг ўша даври учун жуда муҳим бўлган проблемаларни кўтаради. Тақриз қизиқарли формада (1 шахс номидан) ёзилган бўлиб ҳам томошабин учун, ҳам кино ижодкорлари учун мўлжалланган. Муаллиф фильмга бўлган ўз муносабатини очиқ-ойдин билдиради, бадиий асар ҳаққоний бўлганида, ҳар жиҳатдан (шу жумладан, драматургик ва ижрочилик жиҳатидан) мукаммал ишланганида томошабин диққатини жалб қилишини айтиб ўтади.

Ҳозир газета ва журналларда эълон қилинаётган тақризлар ичида профессионал фикрларга бой, пухта ёзилганлари ҳам йўқ эмас. Лекин, баъзан мунаққидлар фильмнинг мазмунини айтиб бериш билан чекланадилар. Асарнинг муҳим бадиий компонентлари ҳақида фикр юритишга ботинолмайдилар, негадир?!

Пленумда тадқиқотларнинг илмий-назарий савиясини ошириш лозимлиги ҳақида ҳам фикр юритилди. Бу ҳақда айниқса ҳозир жиддий ўйлаш даркор. Чунки ҳозирда ўзбек киношунослари назарий проблемаларни ёритиш учун замин тайёрлаяптилар. Бизнингча, бу проблемаларнинг ёритилиши фақат назарий фикримизни бойитибгина қолмай, кинематографиямизнинг шу куни учун ҳам хизмат қилади. Масалан, адабиёт, саҳна ва экран санъатлари муносабатлари, театр актёрининг кинодаги ижоди билан боғлиқ бўлган масалаларнинг ёритилиши ижрочилик санъати билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ечилиши учун хизмат қилади. Ёки, айтайлик, «кино ва адабиёт» мавзусида илмий-назарий тадқиқотлар битилиши кинодраматургия ва экранлаштириш санъати билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишда ёрдам бермасмикин?!.. Шунингдек режиссура, фильмнинг тасвирий-овозли воситалари ҳақида илмий асарлар яратилиши кино санъаткори учун ҳам, томошабин учун ҳам фойдали бўлади, деб ўйлаймиз.

Киношунослик фани олдида улкан вазифалар турибди. Лекин бу вазифаларни фақат киношунослар, мунаққидлар ҳал этолади деб ўйлаш нотўғри. Чунки кўп назарий ва амалий проблемаларнинг ҳал этилишида адабиётшунослар, файласуфлар, тилшунослар, режиссёрлар, адиблар, актёрларнинг роли ҳам катта бўлади. «Кино ва томошабин» мавзусида, масалан, киношунос ва файласуфлар ҳамкорликда ишлаши фойдали бўлса, дубляж санъати ҳақида мунаққид ва тилшунос фикр юритиши мақсадга мувофиқ. Кино ва адабиёт муносабатларини киношунос ва филолог ёритишга қодир бўлса, бу санъат тарихини ёзишда киношунос ва кекса киночилар ҳамкорлиги яхши самаралар берарди. Ҳозирча бундай узвий алоқалар ўрнатилганича йўқ. Шу сабабдан баъзи муаммоларни ҳал этиш қийин бўлмоқда. Масалан, айрим ўзбек фильмлари Совет Иттифоқининг бошқа республикаларига қараганда Ўзбекистон кинотомошабинлари диққатини камроқ жалб қилади. Бунга сабаб нима? Бу мураккаб саволга дафъатан жавоб бериш қийин. Бунинг учун фильмларнинг эстетикасини ўрганибгина қолмай, шаҳар ҳамда қишлоқ томошабинларининг кино, қаҳрамон ва умуман санъатга бўлган муносабатларини чуқур ўрганиш керак. Бундай мураккаб вазифани фақат киношуносларнинг ўзи ҳал этиши мушкул. Ёки яна бир проблема. Кинематографиямиз тарихи бир қатор тадқиқотларда ёритилди. Улар давлат фильмофондларида сақланиб қолинган фильмлар, архивлардаги ҳужжатлар, газета ва журналлардаги мақолалар асосида ёзилган. Лекин киностудиямизда яратилган барча фильмлар сақланиб қолинмаган-ку! Архивлардаги ҳужжатлар фильмларнинг ғоявий-бадиий савияси ҳақида фикр юритиш учун материал бермайди-ку! Газетадаги мақола ва тақризлар эса у ёки бу даврда кинематографиямизда жўш урган ижодий жараён ҳақида аниқ тасаввур бермайди. Киношунослар кекса санъаткорларимизнинг кино тарихи ҳақидаги хотираларига, назарий мушоҳадаларига муҳтожлиги шундан. Н. Ғаниев фильмнинг пойдевори ҳақидаги ўйларини «Киносценарий», ижрочилик санъати ҳақидаги фикрларини «Киноактёр» китобчаларида ва бир қатор мақолаларида ёзиб қолдирди. Комил Ёрматовнинг Москвада совет киносини пропаганда қилиш бюроси томонидан тайёрлаган китобчасида ҳам кинематографиямиз тарихидан айрим лавҳалар ёритилган, «Алишер Навоий», «Абу Али ибн Сино» фильмларининг яратилиши тарихи ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Бизнингча, Йўлдош Аъзамовнинг хотиралари, Шуҳрат Аббосовнинг «Сен етим эмассан», «Тошкент — нон шаҳри» фильмларининг яратилиши ҳақидаги ўйлари, Собир Муҳамедовнинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари асосида сценарийлар ёзиш принциплари ҳақидаги назарий фикрлари, Малик Қаюмовнинг ҳужжатли кино ва экран журналистлари ҳақидаги мушоҳадалари, шунингдек Собир Искандаров, Борий Ҳайдаров, Михаил Краснянский, Раҳим Пирмуҳамедовларнинг дубляж ва операторлик санъати ҳақида, ижрочилик маҳорати ва роль ҳақидаги ҳикоялари санъатшуносларнинг ҳам, томошабинларнинг ҳам диққатини жалб қилади.

Шундай қилиб, киношунослик фани, кинотанқидчилик эришган ютуқларни мустаҳкамлаш ва уларни янги илмий, публицистик асарлар, проблематик мақолалар, юксак профессионал даражада ёзилган тақризлар билан бойитишда санъаткорлар ҳам, адабиётшунос ва файласуфлар, тилшунос ва социологлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшадилар, деган умиддамиз. Биз мазкур мақолада ҳали ечилмаган айрим муаммолар ҳақида ҳикоя қилдик. Бу навқирон фан ва кинотанқидчиликда қўлга киритилган ютуқларни инкор этмайди, асло. Москва ва Тошкент нашриётларида чоп этилаётган тадқиқотлар, Марказий ҳамда маҳаллий журнал ва газеталарда эълон қилинаётган бир қатор мақола ва тақризлар ҳақида томошабинлар ва газетхонлар хабардор бўлганликлари сабабли улар ҳақида ҳикоя қилмадик.

СОВЕТ КИШИСИНИНГ ФАЗИЛАТИ

ҲАЁТГА ҚАЙТИШ

Шукрулло Халилов бир неча йилдан буён «Фориш» совхозида чўпонлик қилиб келади. Бир куни унинг тўсатдан боши айланиб, кўз олди қоронғилашиб кетди.

Йигитнинг тоби қочиб қолди. Лекин у «тузук бўлиб қоларман» деган ўй билан врач ҳузурига бормади. Кунлар ўтди. Дард борган сари зўрқиб, Ш. Халиловни касалхона тўшагига ётқизиб қўйди. Ёш врач Эргаш Чўлиевга беморни даволаш топширилган эди... Кечаси соат ўн иккиларда бемор Халиловнинг дарди оғирлашди. Операция қилинмаса... Ҳамшира тайёргарлик кўра бошлади. Жарроҳ Исроил Иброҳимов уйидан чақиртириб келтирилди. Қандай бўлмасин беморга зудлик билан қон қуйиш лозим эди. Бахтга қарши касалхонада ўша куни қон йўқ экан.

— Энди нима қиламиз? —деди. Иброҳимов ёш врач Чўлиевга юзланиб. Эргаш ўйланиб ўтирмади-да, енг қўлини тутди. Операция муваффақиятли ўтди. Кил устида турган Шукрулло Халиловнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Эргаш Чўлиевнинг Янгиқишлоқ касалхонасига келганидан буён атиги тўрт йил вақт ўтди. Бу йиллар мобайнида у қанчадан-қанча кишиларни меҳнат қучоғига қайтарди, 250 дан зиёд беморни операция қилди. Мана бугунги кунда у ўз қони билан яна бир инсонни ҳаётга қайтарди.

Ҳ. УМИРОВ.

Сирдарё область, Фориш райони.

ТАҲСИН

Хат Новосибирск шаҳридан эди: «Фарғонадан келган бир танишимиз сиз ҳақингизда тўлқинланиб гапириб бергандан сўнг ушбу мактуб билан мурожаат қилишга жазм қилдим. Яккаю ягона беш яшар қизчамиз бор. Бир неча ойдирки, боламизнинг қулоғи ёмон эшитадиган бўлиб қолди. Рухсат берсангиз, қизимизни сизга олиб борсак. Зеро, бошқалар қатори у ҳам сизнинг қўлингиздан шифо топса. Илтимос билан И. Егорова».

«Имкониятингиз ва вақтингиз бўлиши биланоқ қизчангизни олиб келинг. Ҳурмат билан Анвар Ғафуров». Врач ўша заҳотиёқ Новосибирскка ана шундай мазмунда қисқа жавоб хати йўллади. Ҳа, Олтиариқ район касалхонасининг бош врачи А. Ғафуровнинг номига ҳар куни узоқ ва яқиндан турли мазмунда кўплаб хатлар келиб туради. Шу хатларнинг ўзидаёқ унинг шифокорлик шарафини қадрлаб, халққа сидқидилдан хизмат қилаётганидан, эл ҳурматини қозонаётганидан далолат беради.

Тошкент медицина институтини тамомлаб, Олтиариқ район касалхонасига ишга келган ёш врач ўз ҳамкасабалари ўртасида тезда обрў орттирди. Унинг камтарлиги ва меҳрибонлигидан, самимийлиги ва принципиаллигидан бошқалар ибрат оладиган, муомалада, юриш-туришда у каби бўлишга ҳаракат қиладиган бўлиб қолдилар. У қулоқ, бурун, томоқ ва корин бўшлиғи касалликларини даволашнинг ва ана шу нозик аъзоларда мураккаб операциялар ўтказишнинг таниқли мутахассиси бўлиб етишди. Мингдан ортиқ беморнинг ҳаётини сақлаб қолди. Эшитиш ва тўғри гапириш қобилиятидан маҳрум бўлган юзлаб касалларга табиатнинг бу мўъжизасини ҳадя этди. Шу боисдан ҳам унинг ҳузурига республикамизнинг узоқ-яқинидан, қардош республикалардан кўплаб беморлар келиб туришади.

У бош врач бўлганидан буён район касалхонасининг қиёфаси ўзгарди. Шифохонанинг ўзида ва район хўжаликларида аҳолига медицина хизмати кўрсатишнинг савияси яхшиланди. Унинг ташаббуси билан район касалхонаси қошида областда биринчи бўлиб «Тез ёрдам» станцияси ташкил қилинди. Эл ҳурмат-эътиборига Анваржон шарафли касбини улуғлаётганлиги, инсон сиҳат-саломатлиги йўлида куч-ғайратини аямаётганлиги туфайли эришмоқда.

З. МИРОВ.

«СИОНИЗМНИНГ РЕАКЦИОН МОҲИЯТИ» ТЎҒРИСИДА ТЎПЛАМ

Сиёсий адабиёт нашриёти «Сионизмнинг реакцион моҳияти» тўғрисида тўплам чоп этди. Тўпламда совет матбуотида эълон қилинган ҳозирги замон сионизми, сионизм идеологияси ва сиёсий практикасининг реакцион моҳиятини фош қилувчи материаллар тўпланган.

Китоб кўп нусхада нашр қилинди. (ТАСС).

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

ТУРМУШ ИЗГА ТУШМОҚДА

ДАККА, 21 январь. ТАСС мухбири С. Буланцев хабар беради.

Дакка шаҳри яқинида саноат корхоналари кўп бўлган Нарсингди шаҳри Бангладеш пойтахтидан 30 миля нарида жойлашган. Бултур баҳорда бу ерда икки юз мингга яқин киши, асосан маҳаллий заводлар ва фабрикаларнинг ишчилари истиқомат қилар эди. Бироқ 25 мартдаги воқеалардан кейин бу аҳолининг деярли ярмиси паноҳ истаб қўшни Ҳиндистонга қочиб кетишга мажбур бўлди.

Покистон армияси таслим бўлганидан кейин биринчи кунларнинг ўзидаёқ Нарсингди шаҳарчасининг одамлари қайтиб кела бошлади. Қайтиб келган аҳолининг сони ҳозир 25 минг кишидан ошиб кетди. Шаҳарда магазинлар, бозорлар очилди, давлат муассасалари ишлаб турибди. Маҳаллий маъмурлар қайтиб келаётган кишиларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқдалар, озиқ-овқат ва кийим-кечак билан уларни таъминламоқдалар. Бу ерда қайтиб келаётган аҳолига ёрдам кўрсатиш маркази тузилди. Зарар кўрган кишиларга кўмаклашиш ишлари билан шуғулланувчи министр А. Х. Қамаруззамон ТАСС мухбири билан суҳбатда «Бутун Бангладеш территориясида 250га яқин мана шундай марказлар тузилганлигини» айтди. Покистон армиясининг репрессиялари натижасида аҳоли фақат Ҳиндистонгагина кўплаб кетиб қолгани йўқ, Бангладешнинг ички районларига ҳам одамлар кўплаб қочиб кетди, деди министр. Ёрдамга жуда ҳам муҳтож бўлган аҳолининг умумий сони 30 миллион кишига яқин бўлиб, буларни овқат ва уй-жой билангина эмас, шу билан бирга тирикчиликни давом эттириш учун зарур бўлган бошқа воситалар билан ҳам таъминламоқ керак.

«Бангладешга қайтиб келган кишилар шу кунгача қарийб 4 миллионга етди, — деди А. Х. Қамаруззамон. Миллион-миллион бечора ватандошларимизга ёрдам кўрсатишга тааллуқли ҳамма масалаларни ҳал қилиш ҳозирги вақтда Бангладеш олдида турган асосий проблемалардан бири бўлиб қолди». Кези келганидан фойдаланиб, мен қочоқлар проблемасини одилона бартараф қилишни ҳар доим изчиллик билан талаб қилиб келган ва энг мушкул пайтларда бизнинг курашимизни қатъият билан қўллаб-қувватлаган улуғ Совет Иттифоқи халқига ва ҳукуматига зўр миннатдорчилик ва ташаккур изҳор қилишни истар эдим, деди А. Х. Қамаруззамон.

Польша. Кельц шаҳрида истиқомат қилувчи Влодзимеж Вуйцикевич ўғли Марек билан биргаликда автомашиналар моделини тўплашади. Тўрт йил давомида улар 200 га яқин модель йиғишди. Суратда: Влодзимеж Вуйцикевич ўз коллекциялари билан.

ЦАФ фотоси.

*

ГДР. Лейнефельддаги йигирув комбинати замонавий ускуналар билан жиҳозланган энг йирик корхонадир. Комбинатнинг 3100 ишчиси (асосан хотин-қизлар) ГДР тўқимачилик саноатини совет пахтасидан тайёрланган аъло сифатли ип билан таъминлайди: Суратда: Йигирув цехининг умумий кўриниши.

АДН—ТАСС фотоси.

МАОЧИЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ БАШАРАСИ

УЛАН-БАТОР. (ТАСС). Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети ва Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг органи «Унэн» газетаси «Маочилар — империализм малайлари» деган сарлавҳа остида мақола босиб чиқарди. Бу мақола Пекин раҳбарларининг бузғунчилик сиёсатини фош этади.

Мао гуруҳининг ташқи сиёсат соҳасида тутаётган йўли, деб ёзади «Унэн» газетаси, унинг ички сиёсати билан чамбарчас боғлангандир. Пекинлик шовинистлар ҳарбий-бюрократик режим ўрнатиб, жаҳон социализмига қарши қаратилган ва империализм кучларига қўл келадиган йўл тутиб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида муҳим халқаро масалаларни муҳокама қилиш пайтида Хитой Халқ Республикаси вакилларининг тутган позицияси буни яққол исбот этади. Маълумки, Хитой делегацияси қуролсизланиш юзасидан конференция чақирилишига, ядро қуролини синаб кўришни ва ишлаб чиқаришни тақиқлайдиган муҳим қарорларнинг қабул қилинишига қарши чиқди.

Ҳиндистон — Покистон можаросини муҳокама қилиш пайтида маочиларнинг ҳақиқий башараси фош бўлди, деб таъкидлайди газета. Совет Иттифоқи билан социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари хунрезликни тўхтатишни, тангликни сиёсий йўл билан бартараф этишни талаб қилиб, Шарқий Покистон халқининг туб миллий манфаатларини ҳимоя қилиб чиққанида, ХХР ва АҚШ вакиллари бунга мутлақо зид бўлган позицияда турдилар.

ВДР территориясини Америка самолетлари яна бомбардимон қила бошлаганлиги билан Никсоннинг ХХРга қиладиган визити бир-бирига боғлиқ воқеадир, деб ёзади газета.

«Унэн» газетаси яна бундай деб таъкидлайди: шу нарса мутлақо равшанки, маочилар империализм ва агрессиянинг асосий кучи бўлган Қўшма Штатлар билан тил бириктириб, Вьетнам проблемасининг ва бошқа халқаро проблемаларнинг ҳал этилиши йўлига ғов солмоқдалар.

КПСС XXIV съезди, қардош коммунистик партияларнинг бултур бўлиб ўтган анжуманлари марксизм-ленинизм негизида жаҳон коммунистик ҳаракати сафлари жипслигини янада мустаҳкамлаш зарурлигини, империализмга қарши ягона фронт бўлиб майдонга чиқиш зарурлигини яна бир карра таъкидлаб ўтди. Чунки, бугунги кунда агрессия ва реакция кучларининг найзаси социалистик ҳамдўстликка қарши қаратилгандир. Мао гуруҳи жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатига нифоқ солиш сиёсатини ўтказиб, ҳозирги замоннинг муҳим масалалари соҳасида социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига қарши чиқиб, марксизм-ленинизмга, пролетар интернационализми принципларига, ишчилар синфи манфаатларига, шу жумладан. Хитой халқи манфаатларига хиёнат қилди, шу тариқа инсониятнинг ашаддий душмани — империализмнинг гумаштаси бўлиб қолди, деб таъкидлайди газета.

БОСҚИНЧИЛАРНИНГ БЕБОШЛИГИ

ЖАЗОИР, 21 январь. (ТАСС). Тель-Авивнинг шафқатсиз маъмурлари Ғаза шаҳрида вужудга келтирган азоб-уқубатли шароитдан қочиб қутулишга муваффақ бўлган фаластинлик араблар Абу Нафаа, Абу Аҳмад ва Абу Холид айтган гаплар «Ал Мужаҳид» газетасида босилиб чиқди. Улар Исроил оккупациячилари Ғаза секторини ялпи қамоқ лагерига айлантириб юборганлигини айтдилар.

Ғазадаги оккупациячи маъмурлар қариялар, хотинлар, болаларни хуллас, ҳаммани ҳеч бир суриштирмай турма лагерларига тиқиб қўймоқдалар. Маҳаллий аҳолининг Исроил оккупациясига қарши норозилик билдирган намойишини зўрлик билан бостирмоқдалар. Оккупациячилар одамларни кўплаб қамоққа олмоқдалар ва тинтув қилмоқдалар, арабларни уйларидан зўрлаб ҳайдаб юбормоқдалар, уй-жойларни бузиб ташламоқдалар.

Абу Холиднинг айтишига қараганда, исроилликлар маҳбусларни электр токи бериб қийнамоқдалар, қаттиқ калтакламоқдалар. Турма маъмурлари маҳбусларнинг руҳини букиш учун радиокарнайларини бор кучи билан бақиртириб, қийноққа солинаётганларнинг додфарёдини эшиттирмоқдалар.

БЕЛЬГИЯНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

БРЮССЕЛЬ, 21 январь. (ТАСС). Ҳукумат коалицияси составидаги икки партия — социалистик партия билан социал-христиан партияси ўртасидаги келишмовчиликлар натижасида Бельгияда бундан икки ярим ой бурун бошланган ҳукумат танглиги бартараф қилинди. Кеча янги коалицион ҳукумат тузилди. Собиқ бош министр Гастон Эйскенс бошчилигида тузилган бу янги ҳукуматда Пьер Армель (социал-христиан партияси) ташқи ишлар министри бўлиб қолди. Собиқ бош министр Ван ден Буинантс миллий мудофаа министри лавозимини эгаллади.

ЖОСУСЛИК УЯСИ

Америка Марказий разведка бошқармасининг ва Федерал терговс бюросининг агентлари ва вакиллари Англия пойтахтида худди ўз уйларидагидек ўрнашиб олиб, бемалол ҳаракат қилмоқдалар, дейилади «Дейли телеграф мэгэзин» журналида босилган хабарда. Бу журнал ҳукмрон консерваторлар партияси раҳбарлигига жуда яқин бўлган «Дейли телеграф» газетаси томонидан чоп қилинмоқда. Марказий разведка бошқармасининг фаолияти тўғрисида журналда эълон қилина бошлаган бир туркум мақолалар гарчи сенсация тариқасида берилаётган бўлса ҳам, аммо журнал Марказий разведка бошқармасининг АҚШдан ташқари жойларда қилаётган найрангларини ва бу бошқарма фаолиятининг энг пинҳоний жиҳатларини фош қилиб ташлашни мақсад қилиб олмаганлиги очиқ кўриниб турибди. Аксинча у Марказий разведка бошқармаси мана шундай кенг миқёсда иш олиб бораётганлигига қойил қолмоқда. Журналнинг ўзи бу Разведка бошқармасини Америка ҳарбий-саноат комплекси манфаатларининг содиқ посбони, деб мақтаб Марказий разведка бошқармаси билан Англия разведкаси ва контрразведкаси ўзаро «самарали ҳамкорлик» қилаётганликларига таҳсин айтмоқда. Бироқ Марказий разведка бошқармаси тўғрисидаги очерклар туркумидан журналда эълон қилинган биринчи мақоладаги фактлар ҳеч шубҳасиз диққатга сазовордир.

Марказий разведка бошқармасининг Лондондаги энг баланд мартабали вакиллари АҚШ элчихонасининг ходимлари деб ҳисобланади ва уларга бериб қўйилган дипломатик шарт-шароит бу ходимларнинг даҳлсиз бўлишини таъминлайди.

Марказий разведка бошқармасининг ва Федерал терговс бюросининг агентлари Англия пойтахтининг энг ҳашаматли районларида истиқомат қиладилар, улар бемалол ҳаракат қилиш ва истаган жойларига бориш имкониятига эгадирлар. Бундан ташқари Англияда Америка Миллий хавфсизлик агентлигининг ходимлари ҳам бор. Булар Англия мудофаа министрлигига ва алоқа министрлигига қарашли коммуникация узелларида ҳамда радио станциялар эшиттираётган хабарларни тутиб олувчи станцияларда ишлайдилар. Жосуслик радио ускуналари билан жиҳозланган мана шундай станциялардан бири яқиндагина Орфорд Несс (Суффолк графлиги)да қуриб ишга туширилди. Мана шунинг ўзи ҳам Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик давлатларга қарши иш олиб боришда Америка билан Англиянинг разведка ва контрразведка органлари жуда инок бўлиб ҳамкорлик қилаётганликларини кўрсатувчи кўпгина мисолларнинг бири бўла олади. Ҳамма соҳаларда, шу жумладан мафкуравий уруш соҳасида ҳам мана шундай ҳамкорлик қилинмоқда.

Марказий разведка бошқармасининг агентлари Англия сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг ҳамма жиҳатларини, мудофаа ва экономика соҳасида қилинаётган фаолиятни синчиклаб кузатиб турадилар. Шу нарса диққатга сазовордирки, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши ҳар хил чора-тадбирлар тайёрланаётганида, Марказий разведка бошқармасининг агентлари Англия ходимларига актив равишда «маслаҳат» бериб турдилар.

Шу билан бирга Марказий разведка бошқармаси ва Федерал терговс бюросининг Англияда ўрнашиб олган агентлари олиб бораётган иш асло Британия оролларининг доираси билан чекланаётгани йўқ. Аслини олганда Лондон жаҳоннинг бошқа районларида, айниқса Яқин Шарқда жосуслик ишлари олиб бориш учун Америка разведкасининг энг муҳим марказларидан бири бўлиб қолди. Марказий разведка бошқармаси бутун жаҳоннинг ҳамма жойида бўлган радиостанциялар орқали, Марказий разведка бошқармасидан пул олиб кўпгина шаҳарларда чоп қилинаётган газеталар ва журналлар орқали, касаба союзлар, студентлар ташкилотлари, маориф, илмий ва хайр-эҳсон фондлари орқали сиёсий арбобларни ва жамоат арбобларини сотиб олиш орқали психологик уруш олиб бормоқда.

Бундан ташқари Марказий разведка бошқармаси ўз қуролли кучларидан, ҳаво йўлларидан ва шу кабилардан ҳам фойдаланмоқда.

Марказий разведка бошқармаси Яқин Шарқ билан шуғулланувчи мутахассисларнинг катта группасини ҳар доим Лондонда сақлаб туради. АҚШнинг Лондондаги элчихонасида етакчи ходимлардан бири, кенгашчи даражасига эга бўлган Жэк Арнольд Херфурт Марказий разведка бошқармасининг Англиядаги фаолиятини сиёсий жиҳатдан назорат қилиб туради. Англия ташқи ишлар министрлиги ва Англия махфий бошқармаларининг раҳбарлари билан жуда яхши алоқа боғлаб олган Ж. А. Херфуртнинг ўзи бир вақтлар Қоҳирада, Бағдодда ва бошқа араб пойтахтларида хизмат қилган. Илгари Аданда, Саудия Арабистонида, Қоҳирада ва Байрутда иш олиб борган Жек Барнс Макграт Марказий разведка бошқармасининг Англиядаги бўлимларига бир неча йил бошчилик қилиб турди.

Марказий разведка бошқармасининг Англияда иш олиб бораётган «Яқин Шарқ бўйича мутахассислари» орасида Жон Патрик Муллиген деган шахс ҳам бор. Бу шахс Америка, Англия ва бошқа нефть монополиялари Эрондаги Масаддиқ ҳукуматига қарши чиққанидан кейин бу ҳукуматни ағдариб ташлашда бевосита қатнашган эди.

Американинг Лондонда ўрнашиб олган «Яқин Шарқ бўйича мутахассислари» Марказий разведка бошқармасининг араб мамлакатларидаги агентлари билан доимий алоқа қилиб турадилар. Марказий разведка бошқармаси Исроилни ҳам эътибордан четда қолдираётгани йўқ. Бу мамлакатда Марказий разведка бошқармасининг камида 40 нафар агенти доимо ишлаб турибди.

Марказий разведка бошқармаси Америка сиёсатининг манфаатларига ва АҚШ ҳарбий саноат комплексининг манфаатларига хизмат қиладиган воқеаларни йўллаш ва иғвогарликлар қилиш мақсадини кўзлаб иш олиб бормоқда.

Н. ТУРКАТЕНКО. (ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ХАВФЛИ КАСБ

Рио-де-Жанейронинг суғурта кампанияси статистик маълумотларни ўрганиб, Бразилияда энг хавфли касб — футбол судьяси деган қарорга келди. Чунки бу мамлакатда кўп хақорату калтакларга дуч келувчилар футбол ўйинини бошқарувчилардир. Хавфлилиги жиҳатидан иккинчи ўринда никоҳ-ажрим масаласида ўртада турувчилар эканлиги қайд этилди.

ЯЛҚОВЛАР УЮШМАСИ

Германия Федератив Республикасидаги рўйхатга олинган расмий кўнгиллилар жамиятлари сафига яқинда яна бир уюшма қўшилди. «Ялқовлар уюшмаси» деб аталган бу жамиятга унинг уставига биноан фақат «ҳақиқий ва ўта кетган ишёқмас ва дангаса»ларгина қабул қилинади.

РЕКОРДЛАР

Лос-Анжелослик Нина Эйвери хоним турмуш қуриш бўйича ўзига хос «рекорд» қўйди. Расмий никоҳдан ўтишда ҳам у ҳаммадан ўзиб кетди. Ҳозир Нина Эйвери хоним ўн тўртинчи эри билан яшаб турибди.

* * *

Англиянинг Плимут шаҳрида истиқомат қилувчи Дороти Перринг хоним эса «гўзаллик маликаси» унвонини ўзида энг узоқ сақлаб туриш билан шуҳрат қозонди. «Экзетер графлиги гўзали» унвони унга 1935 йилда берилган эди. Шуни ҳам айтиш керакки, ўшандан буён янги «гўзал»ни аниқлаш маросими ўтказилганича йўқ.

ЧОЙХЎРЛИК

Чой — дунёда энг кўп истеъмол қилинадиган ичимлик ҳисобланади. Сўнгги маълумотларга қараганда, ливияликлар чой ичишда жаҳонда биринчи ўринни эгаллашаркан. Бир киши йилига 4,55 килограмм чой истеъмол қилади. Иккинчи ўринда инглизлар бўлиб, улар истеъмол қилган чой йилига 4,02 килограммни ташкил этади.

АЛДАНГАН УМИДЛАР

Япониянинг Сойи шаҳридаги будда ибодатхонаси «ёнғиндан сақлайди» деб донг чиқарган эди. Одамлар шу эҳромда қилинган ибодат ёнғиндан асрайди, деб жуда ишонар ва ибодатни канда қилишмасди. Яқинда ибодатхонага ўт тушиб, у бутунлай ёниб кетди. Энди ибодат қилувчиларнинг ўт ўчирувчиларга «сиғиниш»дан бошқа умидлари қолмади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.20 — ТОШКЕНТ. 9.25 — Мусиқали кўрсатув. 10.00 — Мультфильм. 10.20 — Телетеатр. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — — Янгиликлар. 11.15 — «Будильник». 11.45 — «Здоровье». 12.15 — Математик олимпиада. 13.15 — **Тўрт танкчи ва ит** (бадиий фильмнинг 8-серияси). 14.00 — Телевизион халқ университети. 14.45 — Талабаларингизга мувофиқ концерт. 15.15 — Мультфильм. 15.30 — Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун кўрсатув. 16.00 — **Киносаёҳатчилар клуби**. 17.00 — **Акробатика: СССР — ПХР**. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.15 — **Оталар сўзи — ақлнинг кўзи**. 20.00 — Ахборот. 20.15 — **Халоскорлик. Утли ёй** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 21.45 — «ВАҚТ». 22.15 — **Халоскорлик. Ёриб ўтиш** (бадиий фильмнинг 2-серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

9.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.00 — «Звездочка». 17.45 — **Еттидан ўн иккигача** (бадиий фильм). 19.00 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/I да **Севги тумори**, 25/I да **Масхарабозлар**, 26/I да **Ойжамол**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/I да **Афсона яратган қиз** (кундузи), **Шоҳ Эдип** (кечқурун), 25/I да **Парвона**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/I да **Халима**, 24/I да **Жон қизлар**.

КИНО

Россия империясининг салтанати, ёки яна қўлга тушмас қасоскорлар ҳақида — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Жаноб 420 (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Денгиз аланга ичра — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Одиссейнинг саргузаштлари — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Фанфан-Тюльпан — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Серафино — «ҲАМЗА» (кундуз ва кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

М. МИТРОВИЧ асари

М. ЛИВШИЦ музикаси

ТЕЗ КУНДА

ЯРИМ ТУНДАГИ ЎҒИРЛИК

(икки пардали водевиль)

Русчадан **Ҳамид ҒУЛОМ** таржимаси.

Постановкачи режиссер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Б. ИХТИЁРОВ**.

Рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **ВИЗЕЛЬ Г. А.**

Балетмейстер — **О. НАЗРУЛЛАЕВ.**

Дирижер — **Э. ТОШМАТОВ.**

Концертмейстер — **А. Б. МАЛИНА.**

Режиссёр ассистенти — **Р. МУҲИТДИНОВА.**

3 февраль кундуз соат 2.30 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг филология фанлари бўйича илмий даражалар берувчи илмий совет кенгаши (Студентлар шаҳарчаси, Бош корпус, Г-309 аудитория)да филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун **Р. МУҲАММАДИЕВ**: «Ўзбек совет публицистикаси» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан университетнинг илмий кутубхонаси (Студентлар шаҳарчаси, 4-уй)да танишиш мумкин.

В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университетининг коллективи малакани ошириш факультети декани доцент М. К. Холиқовга онаси **Хадича ХОЛИҚОВА-ЖАББОРОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узколхозстрой» бирлашмаси республика колхоз қурилишининг кекса ходимларидан бири, Самарқанд область колхоз қурилиши трестининг бошқарувчиси **Левон Сумбатович КОЧАРОВ**нинг бевақт вафот этганлигини маълум қилади ва марҳумнинг оиласига чуқур таъзия билдиради.

Редактор ўринбосари Х. ЁДГОРОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ — Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26, Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683, Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331453. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44.

Б. — 19. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 01155.